



**KO'KSIM QALQON,
YURAGIM DOV
VATAN UCHUN!**

4-5-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 30-sentabr, №39 (2998)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY VA HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



**MAQSAD —
JANGOVAR
TAYYORGARLIKNI
YANADA
TAKOMILLASHTIRISH**

6-7-sahifa ▶▶



**QISHKI MAVSUMGA
HOZIRLASH ISHLARI
BOSHLANDI**

9-sahifa ▶▶



**VATAN
YAGONADIR,
VATAN BITTADIR**

10-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya



Tahririyat
haqida
ma'lumot



1-OKTABR
**O'QITUVCHI VA
MURABBIYLAR
KUNI**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА
АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига миллий ва илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги катта хизматлари, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларни она Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, ордон ва медаллар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси» фахрий
унвони билан

Мустофоев Жуманазар Сафоевич – Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Шамсидин Абдуқодир Умарович – Марҳамат туманидаги 47-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган халқ таълими ходими»
фахрий унвони билан

Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич – Янгиқўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география ва биология фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Эшанкулов Баходир Ахмадалиевич – Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-имконияти чекланган болалар учун мактаб-интернати тарбиячиси, Тошкент вилояти

«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси» фахрий унвони билан

Богдасарова Татьяна Михайловна – Мирзо Улуғбек туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Уралов Абдували Турғунович – Гулистон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа маданияти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Форманов Шакир Касимович – Ўзбекистон Миллий университетининг эҳти моллар назарияси ва математик статистика кафедраси профессори

«Фидокорона хизматлари учун»
ордени билан

Байтемиров Асадулла Хаитбоевич – Зарбдор туманидаги 25-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Тухлиев Нурислам – Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми кафедраси профессори

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Абдувалитов Ергаш Бураневич – Тошкент давлат педагогика университети кўзоқ тили ва адабиёти кафедраси мудири

Бакиров Абдували – Ангрен шаҳридаги 1-касб-хунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Дададжанова Элеонора Абдувахобовна – Фарғона вилояти чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

Жалалова Нилуфар Абдирашидовна – Яққасарой туманидаги 319-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кучкаров Абдулла Мадаминович – Шовот туманидаги Ал-Хоразмий номидаги Халқаро физика ва математика мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мардонова Нигора Ахаткуловна – Самарқанд имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Махмудов Равшанбек Жалилович – Гулистон давлат университетининг миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси профессори, Сирдарё вилояти

Менглиев Абдурахмон Жавлиевич – Қизирик туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мирзабаев Серикбай Дауилбаевич – Нукус шаҳридаги 2-касб-хунар мактабининг бош устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Рихсиев Мамуржон Ақромович – Чилонзор туманидаги 217-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тошпулатов Бобир Бурунович – Ғузор туманидаги 68-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Турсунова Хурмат Тошевна – Когон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби директори, Бухоро вилояти

Халилова Мохира Кодировна – Нурота туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун»
ордени билан

Адилова Шоира Мухаммадиевна – Оқолтин туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори, Сирдарё вилояти

Амирова Зувайда Шадмановна – Термиз шаҳридаги касб-хунар мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бабаджанов Хушнот – Урганч давлат университетининг рус тили ва адабиёти кафедраси профессори, Хоразм вилояти

Давлатова Манзура Асроровна – Кармана туманидаги «Begim Kids» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-услубчиси, Навоий вилояти

Елмуратов Бахитбай Қуанишбаевич – Тахтақўпир туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жуманиязова Мухаббат Болтаевна – Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Жўраева Ҳидоят Шодиевна – Навбахор туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Заиров Джуро Ташпулатович – Спорт яққакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийси

Исақова Адолат Валиевна – Норин туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Исмаилова Шоира Пулатовна – Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси

Казабоева Озода Алимухамедовна – Паркент туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Куватова Дилнавоз Назаровна – Қарши шаҳридаги 46-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Мамажоновна Мухаббатхон Махкамовна – Қўштепа туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаева Равшаной Хурбаевна – Пахтаобод туманидаги 1-касб-хунар мактаби директори, Андижон вилояти

Мисирова Манзура Абдумажитовна – Дўстлик туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Олимова Зевар Султоновна – Вобкент саноат ва транспорт техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рахмонова Хусния Усмоновна – Пайариқ туманидаги «Happy Dreams House» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Самарқанд вилояти

Сабирова Доно Илхамжоновна – Яққасарой туманидаги «Лидер болалар мактаби» нодавлат таълим ташкилотининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Саидова Гулбахор Худайбергеновна – Амударё туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Собирова Муяссархон Парпибаевна – Бекобод туманидаги 2-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Тошкент вилояти

Шаймуратова Дилара Рашидовна – Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумий

ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

«Дўстлик» ордени билан

Адилова Машкура Насировна – Қибрай туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Азимов Мумин Усманович – Қўқдала туманидаги Чироқчи педагогика коллежи директори, Қашқадарё вилояти

Аннаев Тухташ Жураевич – Термиз давлат университетининг Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси катта ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахмедов Ашраф – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти шарқ халқлари фани ва маданияти тарихи бўлими бошлиғи

Дусова Зухра Махмудовна – Томди туманидаги 1-оилавий болалар уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Журавлева Ольга Анатольевна – Пахтакор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Кадиримбетова Салима Расбергеновна – Нукус туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Камбаралиев Таиржон Нурматович – Учқўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Маматхалилова Гулбахар Садиловна – Жалақудуқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг қирғиз тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нозадзе Тамара Васильевна – Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Нуруллаева Нигора Назировна – Урганч давлат университети академик лицейининг немис тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Плазинская Марина Станиславна – В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг мусиқа назарияси бўлими ўқитувчиси

Рахматуллаева Элвира Раилевна – Бухоро шаҳридаги «The Knowledge Academy» нодавлат таълим ташкилотининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рузиева Лариса Рахимовна – Самарқанд шаҳридаги 1-имконияти чекланган болалар учун мактаб директори, Самарқанд вилояти

Тугушева Зулфия Фанилевна – Маргилон шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Уразбаева Мавлюда Анваровна – Тошкент шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактабининг тўгарак раҳбари

«Шўхрат» медали билан

Абилкасимов Акмал Бектурдиевич – Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси

Алимова Гулчехра Гафуровна – П. Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган расмлик мактабининг либослар дизайни фани ўқитувчиси

Атабоева Севара Мамасалиевна – Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Бозоров Сайфулло Садуллаевич – Миришкор туманидаги 21-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ботирова Гузалхон Турдиевна – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги табиий фанларга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

Давлатов Носиржон Эргашалиевич – Қува туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Дониёров Солиқ Ҳолиқович – С. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Жуманиёзов Эркабой Рахмонович – Янгиҳаёт туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Икромов Ғолибжон Толибжонович – Шайхонтохур туманидаги 102-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим макта-

бининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Каримова Фарида Азатбаевна – Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Қдирбаева Лала Абдикадиловна – Қўнғирот туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қаршибоева Маъмура Амиркуловна – Шароф Рашидов туманидаги «Мубинабону» оилавий болалар уйи раҳбари, Жиззах вилояти

Қурбанов Бобурмирзо Хошимжонвич – Бувайда туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мамадалиева Мухайё Убайдуллаевна – Учқўприқ туманидаги 27-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Фарғона вилояти

Сапарова Дилшода Адашевна – Тайлоқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Сафаров Рустам Дусиёрович – Яшнобод туманидаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри

Субхонов Нурмурод Ҳайдарович – Ромитан туманидаги 41-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Тоқумбетов Шавкат Каипназарович – Тўрткўл туманидаги 63-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тусматов Ойбек Ғафурович – Избоскан туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Улуғбердиева Гулчехра Алиқуловна – Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Умарова Мухайё Шамшидовна – Уйчи туманидаги 30-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Наманган вилояти

Умрақов Сарварбек Мухаммадович – Бўстон туманидаги 48-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ўталов Лутфулла Нарзуллаевич – Ғаллаорол туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Фузаилова Хулкар Эргашевна – Жомбой туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хайтов Хусниддин Хасанович – Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Хамдамова Мухайё Сохибназаровна – Бектемир туманидаги 293-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хасанова Айдин Бектурдиевна – Гурлан туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Худайбергенова Мухайё Сабировна – Урганч шаҳридаги 1-касб-хунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти

Хусанова Зумрад Нозимжоновна – Миробод туманидаги «Excellence Education Group» нодавлат таълим ташкилоти раҳбари, Тошкент шаҳри

Ҳайдаров Ўқтам Хазратович – Қорақўл туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Шарапов Тўра Неъматович – Яққабоб туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Юлдашова Барчиной Нуриллаевна – Конимех туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 сентябрь

(ЎЗА)

ПАРДА ОРТИДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР



ҲАРБИЙ УСТОЗЛАРГА

Оддий аскар

Юрагимга Ватан меҳрин солди устоз,
Ҳарбий бўлмоқ шарафини айладим аҳд.
Жанг илмидан сабоқ олдим мардларга хос,
Командирим — азиз Устоз, сизга раҳмат!

Сиз сингдирган ҳарбий сабоқ кўксимга жо,
Йигит онтим ила оқлай ишончингиз.
Ватан учун жисму жоним бўлмай фидо,
Ютуқларда ҳиссангиз бор улуғ, тенгсиз.

Курсант

Метин сафмиз, ўт-оловмиз енгилмас,
Устозимиз чиниктирган ҳар лаҳза.
Ҳар бир йигит арслонюрак, забардаст,
Шиоримиз — фақат олға ва олға!

Қўлимизда доим зафар туғроси,
Бизга қанот ҳарбий билим, тафаккур.
Устозларнинг энг улуғи, фидоси,
Азиз устоз, Сизга таъзим, ташаккур!

Сержант

Мардлик илми боболардан бизга мерос,
Жасоратни ўзлаштирдик Устозлардан.
Ҳар ўғиту ҳар сўзингиз айлаб эъзоз,
Қад ростладик, бўлдик аҳди олмослардан.

Юрт тинчлигин маҳв этолмас бирор ганим,
Сабоқларда чиникқанмиз бўлиб мохир.
Кучимизга куч қўшади ҳарбий билим,
Азиз Устоз — чўнг сарбоним, минг ташаккур.

Лейтенант

Дунёни лол этган баҳодирлар ҳам,
Султон Жалолиддин — алп ботирлар ҳам,
Бобом Амир Темур — жаҳонгирлар ҳам,
Устозлар қошида таъзимда бўлган.

Устоз командирим — таянчим, тоғим,
Сиз-ла мукамалдир ҳарбий сабоғим,
Ҳарбий санъат сири — голиб яроғим,
Биз ҳам таъзимдаимиз доимо Сизга.

Зулфия ЮНУСОВА

Касб тақозоси билан миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган, қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришган ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашсангиз, улар энг аввало бу каби зафарлар ортида устозларнинг меҳнати мужассамлигини бот-бот такрорлашади. Дарҳақиқат, бу оламнинг қайси бир ярқ этган муждасига назар ташламанг, унда заҳматкаш инсон — устоз ва мураббийларнинг ҳиссасини кўрасиз. Улар худди парда ортидаги қаҳрамонларга ўхшайди.

Шу маънода бугунги кунда Қуролли Кучлар тизимида «Устоз-шогирд» анъанаси ҳам умрбоқий қадрият сифатида равнақ топиб келмоқда. Миллий армиямиз куч-қудрати, салоҳияти, халқаро майдонлардаги эътирофи замирида ҳам мана шу эзгу анъана кўзга яққол ташланаётир. Боиси Шарқ жанг санъати, қўшинлар бошқаруви ҳам минг-минг йиллардан буён айнан устозларнинг ўз шогирдларига берган сабоқлари ила доvon ошмоқда.

Улуғ айём — Ҳақитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан миллий армиямиз сафларида намуна кўрсатиб хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг касб муваффақият сирлари билан қизиққанмизда ҳам улар айнан шу фикрни билдиришди.

Даврон Жўраев, муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар:

— Дўстларим орасидан айнан мен биринчилардан бўлиб йигитлик бурчимни бажаришга киришдим. Бу — бахт, бу — омад. Ватанга хизмат қилишнинг масъулияти ва шарафи бошқача бўларкан. Бу ерга келдим, бутунлай бошқа одамга айланаб қолгандекман. Танам ўша, исми му жисмим ўша, аммо руҳиятим бутунлай бошқа.



Ҳозир ҳарбийлик касбининг сир-асрорларини катта қизиқиш билан ўрганимиз. Бунда бизга тажрибали сержант ва офицерларимиз устозлик қилапти. Бунинг учун уларга раҳмат айтамиз.

Курсант Муродбек МЕЛИҚЎЗИЕВ, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти 5-босқич курсанти:

— Ўтган беш йил давомида мен ҳарбий институтимизда ўз касбининг етук мутахассис офицерлари томонидан ҳарбийлик касбининг сир-синоатларини ўрганиб келмоқдаман. Бу ерда ўқиш билан бир қаторда илмий изланишлар олиб бориш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Биз, курсантлар бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Қуролли Кучларимиз равнақига ҳисса қўшиш учун зарур бўлган барча билим ва кўникмаларни эгаллаб келяпмиз.



Жорий йилда мени «Амир Темур» номидаги стипендияга лойиқ топишди. Бу, албатта, ўз касбимга бўлган муҳаббат ва куч-ғайратимни янада оширди, қолаверса, елкамга улкан масъулият юкини юклади. Энди ўз устимда янада кўпроқ ишлаяпман. Бунда, ҳеч шубҳасиз, устоз ва мураббийларим кўмагига суюнаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, олий ҳарбий таълим даргоҳимизда ўтказилаётган машғулотлар қўшинларни бошқариш, уларда сифатли алоқани таъминлаш, етук офицер кадрлар бўлиб етишишимизга замин ҳозирламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ўзларининг меҳр-муҳаббатларини, билим ва малакаларини аямасдан дарс бериб келаётган барча устозларимизни Ҳақитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман. Биз Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсанти эканимиздан ва сизларга шогирд эканимиздан фахрланамиз!

I даражали сержант Элбек ЙЎЛЧИЕВ, Термиз гарнизони йўриқчи сержанти:

— Қуролли Кучлар сафида 2002 йилдан бери хизмат қилиб келаман. Ҳарбийликка бўлган қизиқишим мактабда ўқиб юрган пайтларимга тўғри келади. Ёшларни чақирувга қадар тайёрлаш фани Ҳақитувчимиз Мақсуд ака Носиров ва синф раҳбарим Жамила опа Тошева мендан ҳақиқий ҳарбий хизматчи чиқшини бот-бот такрорларди, менга ишонч билдирарди. Айнан мана шу ишонч сабаб ўз олдимга қатъий мақсад қўйдим ва бунга эришдим. Эсимда, 4-синфда ўқиётган пайтимиз «Ким бўлсам экан?» мавзусида иншо ёзган эдик. Ўшанда илк бор ҳарбийлик касби орзум эканлигини ёзгандим. Мана ҳозир ўша орзум рўёбга чиқиб, ёш ҳарбий хизматчиларга ҳарбийлик сир-асрорларини ўргатишда ўз ҳиссамни қўшиб келяпман.



Жорий йилда Тожикистон ва Ўзбекистон ҳамкорлигида ўтказилган «Ҳамдўстлик — 2022» ўқувида фаол қатнашиб, III даражали «Жанговар фаолияти учун» кўкрак нишони билан тақдирландим. Шунингдек, «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг кўмондонлик босқичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритдим.

Шу каби ютуқларга эришганимда, касбим ортидан яхши гап эшитганимда, энг аввало, ҳар бир инсоннинг биринчи устози бўладиган ота-онам, мактабда сабоқ берган устозларим, ҳарбий соҳадаги мураббийларим кўз олдимда гавдаланади. Уларга миннатдорлик билдиргим келади.

Полковник Исроил СОБИРОВ, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондонининг ўринбосари:

Илк бор ҳарбий либос кийганимиз — курсантлигимизда рота командиримиз капитан Алишер Мухтарамов деган инсон бор эди. Бу менинг ҳарбийлик ҳаётимдаги илк командирим эди. У инсондан иродали бўлишни, командирлик хусусиятлари қандай эканлигини, буйруқнинг сўзсиз бажарилишини, ҳарбий хизматчи Ватан чорлаганида ҳар доим «Лаббай!» деб жавоб бериши кераклигини ўрганганман.



1998 йили армия сафида офицер бўлиб хизмат қилишни бошлаган кунларим кечагидек ёдимда. Менга ҳақиқий ҳарбий хизмат йўл-йўриқларини кўрсатган, қўлимдан тутган, ҳарбий таълим-тарбия берган илк устозларимдан бири бу полковник Алишер Расулмухаммедовдир. Бу инсон узоқ йиллар давомида махсус бўлинмаларда хизмат қилган. Устозимизнинг менга, тенгқур сафдошларимга жуда ҳам кўп меҳнати сингган. Мен бу инсондан катта давраларда, кенг жамоатчилик ичида гапириш маданиятини, фикрни етказиб бериш санъатини ўрганганман.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида хизмат қилган давримда эса Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси Ҳақитувчиси полковник Шухрат Холмухаммедовдан ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг тўғри йўлдан оғишмаслиги учун кўриладиган чора-тадбирлар, ёш офицер кадрларни ҳар томонлама тоблашнинг жуда кўп усулларини ўзим учун ўрганганман.

Шундан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида бошқарма бошлиғи вазифасида хизмат қилган пайтларим мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев билан бевосита биргаликда хизмат қилдим. Полковник Қаршиев бир олам инсон. Нимага? Унинг қабулига бирор бир масала билан келган инсон ҳеч қачон куруқ қўл билан кетмаган. У инсонга инсондек муомала қилади. Мен у инсондан мана шу улуғ фазилатни ўргандим. Бундан ташқари, тинглаш қобилиятини қўл остидаги барчага сингдиришга ҳаракат қилади.

Шу ўринда айтиб ўтмасам бўлмайди, ҳар бир инсоннинг камол топишида энг аввало уни дунёга келтирган, тарбия берган, ҳалол ризқ-насиба тутган ота-онаси тилга олинади. Мен ўзимнинг илк устозларим сифатида отам Абдувоси Собиров ва раҳматли онам Мухтарам Собирова номларини ҳам санаб ўтишни фарзандлик бурчим деб биламан.

Юқорида номларини зикр этганларим ва менга беғараз меҳнатлари сингган бошқа кўплаб инсонлардан бутун умр миннатдорман. Улар учун бошим ерга теккунча таъзимдаман.

«Vatanparvar» мухбири
лейтенант Исламжон ҚЎЧҚОРОВ
оққа кўчирди.

"Dovyurak jangchi"

КЎКСИМ ҚАЛҚОН, ЮРАГИМ ДОВ ВАТАН УЧУН!

Миллий армиямизда юқори касбий ва жисмоний малакага эга ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, қўшинларнинг юксак жанговар шайлигини сақлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 10 декабрда тегишли қарор қабул қилинган эди.



«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг жисмоний тайёргарлигини юқори даражада ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги мазкур қарорда кўрсатиб ўтилганидек, интенсив синовлардан муваффақиятли ўтган барча куч тузилмалари ҳарбий хизматчиларини «Довюррак жангчи» фарқловчи нишони билан тақдирлаш кўзда тутилган. Шунингдек, қарорда фарқловчи нишон учун интенсив синовлар ҳар йили бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ полиго-нида Мудофаа вазирлиги йўналишида 300 га яқин даъвогар ҳарбий хизматчи ушбу интенсив синовларга бағишланган йиғиннинг тантанали очилиш маросимида саф тортди. Марказий ҳарбий округ қўшинлари

қўмондони полковник Ойбек Саидов, Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси бошлиғи полковник Раҳматулло Раҳмонов «Довюррак жангчи» фарқловчи нишони учун даъвогарлик қилаётган ҳарбий хизматчиларга синовлар давомида омад ёр бўлишини тилаб, тадбирни очиқ деб эълон қилишди. Саф майдонидан мамлакатимиз мадҳияси садолари остида Ўзбекистон Республикаси ва Мудофаа вазирлиги байроғи олиб ўтилди.

Барча ҳарбий округлар, Ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонликлари ҳамда Қуролли Кучлар академияси жамоалари таркибидаги қатнашчилар «Фориш» дала-ўқув майдонида ўн кун давом этган интенсив синовларда ўз омадларини синаб кўрдилар. Даъвогарлар гуруҳларга бўлинган ҳолда турли машқлардан иборат уч босқичли синовларда иштирок этишди. Биринчи босқич куч машқларини бажариш ҳамда тўсиқлар йўлагидан ўтиш,

иккинчи босқич 30 км.га пиёда юриш (марш югуриш) ва учинчи босқич ўқотар қуроллардан отиш ҳамда пичоқ улоқтириш амалиётидан иборат бўлди.

«Фориш» тоғ полиго-нида ўтган ўн кун 300 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи учун навбатдаги синов майдонига айланди. Уч босқичли ва 30 дан ортиқ шарт. Бир қарашда унча мураккаб кўринмаган шартларни белгиланган вақт оралиғида бажариш барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Синовлар давомида ўз кучидан тўғри ва оқилана фойдалана олганлар танловнинг энг яхши натижаларини қайд этишга ҳам улгурди.

Ташкилотчилар ва мутахассислар танловнинг шаффоф, ҳаққоний ўтишини таъминлашдан ташқари инсон омилида кузатиладиган ҳар қандай вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилишди. Шунинг учун шартларни бажариш жараёнида ҳар куни эллик кишидан ортиқ бўлмаган ишти-

рокчи гуруҳлар шакллантирилди. 30 километр масофага пиёда юриш (марш югуриш) давомида ҳарбий хизматчилар 50 кг.ли юк халтаси ва жанговар қуроллари билан стартга чиқишди. Гуруҳлар тоғли, дала ва сув тўсиқли масофани босиб ўтиш жараёнида шартли душман пистирмасини йўқ қилиш ҳаракатларини ҳам амалга оширди.

Оёқ ва қўлга таянган ҳолда ётиб-туриш (2 дақиқа, 80 марта). Капитан Фирдавс Турдиев (Марказий ҳарбий округ) меъёрни 1 дақиқаю 23 сония ичида бажариб, энг яхши натижани қайд этди.

Қўл ёрдамида аркасимон кўприкдан ўтиш. III даражали сержант Хайрулла Олимов (Тошкент ҳарбий округи) кўз очиб юмгунча бу тўсиқни ортада қолдирди.

Уч дақиқа оралиғида тўсиқлар йўлагидан ўтиш. 400 метрдан иборат тўсиқлар йўлагидан ўтишда ҳам III даражали сержант Хайрулла Олимовга тенг келадиган топилмади. У 1 дақиқаю 57 сония ичида йигирма-



га яқин тўсиқдан ўтишда тезкорлик борасида бошқаларга намуна бўлди.

Гуруҳларга бўлинган ҳолда 30 км. га пиёда юриш (*марш югуриш*): барча гуруҳлар тоғли, дала ва сув тўсиқли масофани белгиланган вақтдан 30-40 дақиқа аввал бажаришга эришганлиги диққатга сазовор.

Автоматдан отиш. Бу рекорд контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бобомурод Абдумажидов (*Тошкент ҳарбий округи*)га тегишли бўлди. Юз метр масофадан нишонни аниқ мўлжалга олиш бўйича у 100 имкониятдан 96 баллик натижа кўрсатиб, интенсив синовнинг ушбу йўналишида илк рекорд сифатида эътироф этилди.

Макаров пистолетидан отиш. Бу топшириқни бажариш жараёнида ҳарбий хизматчилар 25 метр масофадан ўнта ўқ билан танлов меъёридаги балларни йиғиши шарт эди. Подполковник Ибрат Машарипов (*МВ жисмоний тайёргарлик бошқармаси*) томонидан тўпланган 94 балл шу йўналишнинг дастлабки рекордига айланди.

Пичоқ улоқтириш. Ушбу йўналиш бўйича бирйўла беш нафар

ҳарбий хизматчи ўнта имкониятдан юз фоизлик кўрсаткичга эришди. Кичик сержант Жавоҳир Хатамов (*Тошкент ҳарбий округи*), кичик сержант Бекзод Нодиров (*Тошкент ҳарбий округи*), III даражали сержант Ҳайрулла Олимов ва сержант Асқар Ҳуроқов (*ТОҚҚ*) ўнта пичоқнинг барчасини нишонга аниқ қадашнинг урдасидан чиқди.

Кичик сержант Турсунали ҚУРБОНОВ:

– Икки марта Халқаро армия ўйинларида, шунингдек, республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда муваффақиятларга эришганим сабабли ҳарбий хизматчи сифатида барча ютуқларни қўлга киритиб бўлдим, деб ўйлардим. Аммо бугун забт этилмаган чўққилар кўп эканлигини англаб етдим. Улардан бири «Довюрак жангчи» фарқловчи нишони бўлди, десам, янглишмайман. Синовлар давомидаги қийинчилик ва машаққатларга қарамай, астойдил бу маррани ҳам енгиб ўтишга ҳаракат қилдим. «Фориш» тоғ полигонидан ўтказилган 10 кун кўпчилик қатори менинг ҳам хотирамда бир умр муҳр-

ланиб қолади. Чунки улар сингари мен ҳам ўз ҳарбий қисимга кўксимда «Довюрак жангчи» фарқловчи нишони билан кириб бораман...

Шокиржон ҲАБИБУЛЛАЕВ, Қуролли Кучлар академияси 4-босқич курсанти:

– Ушбу танловда қатнашиш имкониятим борлигини эшитган кунимок Форишга келишга қарор қилдим. Чунки бўлғуси офицер сифатида бунинг ўзимнинг шарафли бурчим деб ҳисобладим. Довюрак жангчи... Ўз номи билан Ватанимни кўриқлашдек шарафли бурчни танлаган барча ҳарбий хизматчининг эзгу мақсадини кенг маънода очиб берувчи ибора. Ҳақиқий фидойиларгина юрагини, кўксини Ватани учун дов, қалқон, тўсиқ қила олади. «Довюрак жангчи» фарқловчи нишони соҳиби бўлганлар бунинг янада масъулият билан ҳис этадилар. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг бу нишоннинг таъсис этилишини бизга берилган яна бир улкан имконият деб баҳолаш мумкин. Ана шуларни қалбимизда ҳис қилган ҳолда қийинчилик ва машаққатларни сабот

билан енгиб ўтдим. Нишонни қўлимга олган лаҳзада Ватаним олдидаги бурчим нақадар масъулиятли эканлигини яна бир бор англаб етдим...

Йигитлар қаторида кичик сержантлар Мавсума Суярова ва Бибимарям Сувонова (*ТОҚҚ*) «Довюрак жангчи» кўкрак нишони учун ўтказилган синовларни муваффақиятли топширди. «АрМИ – 2021» ва «АрМИ – 2022» ўйинларининг «Содиқ дўст» йўналишида ғолибликни қўлга киритган бу матонатли қизлар барча топшириқларни аъло даражада бажариб, кўпчиликка намуна бўлди. «Довюрак жангчи» фарқловчи нишони билан тақдирланган 258 нафар ҳарбий хизматчи сафида уларнинг номи ҳам қайд этилгани диққатга сазовор.

«Фориш» тоғ полигонидан ўтказилган ўн кунлик синовлар ўз ниҳоясига етиб, барча иштирокчилар саф майдонига йиғилди. Илк марта ўтказилган синовларда ўзини кўрсатган ҳарбий хизматчиларга «Довюрак жангчи» кўкрак нишонлари топширилди.

**Аспор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»**



Malaka



МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодир Турсунов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Шарқий ҳарбий округ ҳарбий қисмлари ва муассасаларида бўлиб, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, таъминоти борасидаги ўзгаришлар, жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг янги усул ва услубларини амалиётга татбиқ этиш, энг илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик машқлари дастурларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш, янада такомиллаштириш, шахсий таркибга амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқа йўналишларда иш олиб борди.



Бир ҳафта давом этган тадбирлар артиллериячилар, десантчилар ва махсус операциялар кучлари қисмларидан бошланди. Мудофаа вазирлигининг масъул офицерларидан иборат ишчи гуруҳ махсус, жисмоний ҳамда тактик тайёргарлик, ўточар қуроллардан отиш, ҳарбий техника воситаларини бошқариш ва бошқа тайёргарликлар бўйича ҳарбий қисм ҳудудда, полигонларда батальон, дивизион, батарея, взвод, жанговар гуруҳлар таркибининг ўқув йили давомида эгаллаган

билим ва кўникмаларини кузатди. Натижалар қайд этилиб, зарур ҳолларда шахсий таркибга тегишли йўл-йўриқлар берилди.

– Эътироф этишим керакки, кейинги йилларда миллий армиямизнинг қудрати, ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлиги ва жанговар руҳи юксалиб бораётганлиги халқаро майдонларда ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Бунга мисол тариқасида Халқаро армия ўйинларида ҳарбийларимиз эришган натижалар ва қўлга киритган рекорд натижаларни айтишимиз мумкин. Бугунги тадбирларимиз ана шу муваффақиятларни давом эттириш ва жанговар тайёргарлик бўйича келгуси режаларимизни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси подполковник Элдор Кенжаев. – Ўқув йили аввалида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, қўшинларнинг янгидан ишлаб чиқилган жанговар тайёргарлик тадбирлари ва тактик меъёрлари, взвод ва мобил гуруҳларнинг турли шароитларда махсус-тактик ҳаракатларни олиб боришнинг янги усул ва услублари амалиётга жорий қилинганди. Кўряпмизки, ўз вақтида амалга оширилган ўзгаришлар бўлиmlарнинг зарур йўналишларда қўйилган вазифаларни тезкор ва ўз вақтида бажаришига асосий омил



ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



бўлмоқда. Мудофаа вазирининг кўрсатмаси ҳамда амалий машғулотлар дастурига кўра, реал жанг ҳолатларига яқинлаштирилган машқларнинг тунги шароитларда ўтказилаётганлиги юқори самара беряпти. Мазкур кўринишдаги тайёргарлик дастурларига дунёда бўлаётган жанговар ҳаракатлар таҳлилидан келиб чиқиб зарур ўзгаришлар киритиш лозимлиги белгиланди. Ишчи гуруҳ аъзолари соҳа мутахассисларининг профессионал тайёргарлиги ва малакасини доимий ошириб бориш, жанговар тайёргарлик объектлари ва ўқув-моддий базани такомиллаштириш орқали кўшинларнинг жанговар тайёргарлиги сифатини юксалтириш ва уни самарали ташкил этиш ишлари давом эттирилиши лозимлигини хулоса қилишмоқда. Шунингдек, замон билан ҳамнафас бўлиб, танқидий таҳлиллар асосида бўлинмаларимизнинг тактик ҳаракатларини янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттираемиз.

Жорий йил бошида давлатимиз раҳбарининг Мудофаани бошқариш миллий марказида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берган вазифалари, яъни замонавий операцияларни режалаштириш, кўшинларни оқилона бошқариш, мавжуд куч ва воситаларни самарали қўллаш малакасини ошириш борасидаги

натижалар кўриб чиқилган мазкур тадбирлар барча ҳарбий округларда ўтказилиши кўзда тутилган. Дунёда жанговар ҳаракатлар динамикаси ошиб бораётган ва янги усуллар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда бу жуда муҳим, дейди ишчи гуруҳ аъзолари.

Фурқат ЭРГАШЕВ



O'quv-uslubiy yig'in



ТАЖРИБА, КЎНИКМА ВА МАЛАКА ОШИРИЛДИ

Иссиқ жонда иситманинг бўлиши табиий. Аммо буни фориф қилиш, унга тез ва ишончли тиббий хизмат кўрсатишда шифокорларнинг ўрни беқиёс. Айниқса, олий тоифали шифокорларнинг қабулига беморни олиб келгунга қадар биринчи ёрдамнинг ўрта тиббиёт ходимлари томонидан берилиши барчамизга маълум. Шундай экан, инсон саломатлигини асраб қолиш йўлида ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ҳам мунтазам ошириб бориш мақсадга мувофиқ. Зеро, керакли вақтда қилинмаган биргина муолажа ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.



Шуларни инobatга олган Мудофаа вазирлиги мутасаддилари тизимда фаолият юритаётган ҳарбий фельдшерлар таркибининг ўқув-усlubий йиғинини ўтказди. Уч кун давом этган йиғин фельдшерлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар билан бошланди. Унда соҳа мутахассислари томонидан йиғин иштирокчилари учун кўргазмалар видео ва слайд тарзидаги маърузалар орқали маълумот берилди.

– Республика миқёсида ҳарбий ўрта тиббиёт ходимларининг ўқув-усlubий йиғини ўтказилмоқда. Утган йиллар давомида бундай йиғинлар ҳарбий округлар билан чекланарди, – дейди I даражали сержант Турсунои Жумаева. – Аслида бундай катта тадбирнинг афзалликлари жуда кўп. Ҳамкасбларимиз билан фикр алмашдик, уларда қўлланилаётган янги методикалардан хабардор бўлдик. Қолаверса, мусобақа тарзида ўтказилган амалий машғулотларда тез ва сифатли биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўникма ҳосил қилдик. Истардимки, бу каби йиғинлар доимий равишда ўтказиб турилса, тиббиёт соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлишимизга замин яратиларди.



Машғулотнинг иккинчи кунда реалликка яқинлаштирилган жанг майдонида тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий жамланмалар билан ишлаш бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди. Унда ўрта тиббиёт ходимлари аввало ўз жонини асраган ҳолда, ярадорни хавфсиз жойга олиб келиш ҳамда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмаларини оширишди. Кун сўнггида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳузурдаги «Турон» ҳарбий давлат театри томонидан ватанпарварлик руҳидаги спектакль намоиши бўлиб ўтди.

Ҳарбий фельдшерлар ўртасида ўтказилган ўқув-усlubий йиғин миллий армиямизнинг энг асосий бўғини бўл-

ган ўрта тиббиёт ходимларини жанговар ҳаракатлардаги тиббий таъминоти ва ёрдамни қай тарзда амалга оширишни ўргатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қолаверса, жаҳон стандартларига кўра, бриллиант 10 дақиқа тамойилига асосан, 1-2 дақиқа ичида тез тиббий ёрдамни кўрсатиб, стационар шароитдаги клиникага олиб келиш учун иштирокчиларда кўникма ҳосил қилинди. Шунингдек, ярадорнинг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирларнинг барчаси шу ерда имитация қилиниб, назарий ҳамда амалий машғулотлар билан мустаҳкамланди. Йиғин иштирокчиларининг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлар олиб борилди. Бундан кўзланган

мақсад, жойлардаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда керакли бўлган ёрдамни бериш.

Ўқув-усlubий йиғиннинг сўнгги кунда ўрта тиббиёт ходимлари учун тиббий ускуналар билан жиҳозланган авиаэвакуация имкониятлари таништирилди. Шартли равишда жанг майдонида ярадор бўлган ҳарбий хизматчиларни эвакуация қилиш ва хавфсиз жойга жойлаштиришдаги биринчи ёрдамни кўрсатиш бўйича маҳорат дарси ўтказилди. Бунда реанимацион тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун мослашган ҳарбий эвакуацион вертолёт имкониятларидан кенг фойдаланилди. Келажакда ҳарбий фельдшерлар бундай имкониятлардан бемалол фойдалана олишлари учун кўникма пайдо бўлди.


Йиғин иштирокчилари кун якунида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси бўйлаб саёҳат қилишди. Шундан сўнг катта мажлислар залида концерт дастури бўлиб ўтди. Унда Қуроли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан Ватанни тарафдор этадиган куй, кўшиқ ва рақслар намоиши этилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Ko'rgazmali mashg'ulot

ҚИШКИ МАВСУМГА ҲОЗИРЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округда қўшинлардаги энг масъулиятли тадбирлардан бири – қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни қишки мавсумда фойдаланиш тартибига ўтказишдан олдин кўргазмали машғулот ташкил этилди.



Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти юртимизнинг Шимоли-ғарбий томонида жойлашгани боис, қишнинг совуқ кунлари бошқа ҳудудларга қараганда бу ерда барвақт келиши кутилади. Шунинг учун Нукус ва Урганч гарнизонларида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда жанговар ва ҳарбий техника ҳамда қурол-яроғларни қишки мавсумда фойдаланиш учун ҳозирлаш бошқа ҳарбий округларга қараганда олдин бошланади.

Маъмур комплекс тадбирлар ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни юқори жанговар шайлик даражасида ушлаб туриш ҳамда об-ҳавонинг совуқ шароитида фойдаланишга ҳозирлаш учун ўтказилади.

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни мавсумий фойдаланиш тартибига ўтказиш бўйича ташкил этилган кўргазмали машғулотда Шимоли-ғарбий ҳар-

бий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов, округ қўмондонлиги ҳамда Нукус ва Урганч гарнизонларидаги ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг жанговар шайлигини таъминлаш, уларни соҳалатда сақлашда кўрсатилаётган техник хизматларнинг аҳамияти таъкидланди. Ҳар бир командир, ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига бириктирилган қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг соҳ ва шайлиги учун масъул эканлиги эслатилди.

Кўргазмали машғулотни ташкил этиш учун ҳарбий қисмнинг жанговар ва ҳарбий техникаларни сақлаш паркида 8 та ўқув жойи ва 25 ўқув нуқтаси ташкил этилди. У

ерда жанговар машина, танк, зиркли транспортёр, зенит-артиллерия қурилмалари, махсус техника, қурол-яроғ ва бошқа техникаларни қишки шароитда фойдаланиш тартибига ўтказиш ишларининг моҳияти, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ташкил этилган постларда самарали ва сифатли иш олиб бориш, қурол-яроғ ва техникани об-ҳавонинг ҳарорати паст шароитларда ишлатиш қоидалари, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассислар томонидан йўриқномалар берилди. Техникаларга техник хизмат кўрсатиш бўйича кўргазмали тарзда ишлар намойиш этилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати





ВАТАН ЯГОНАДИР, БИТТАДИР...

Ватанга қасамёд бу – ҳар бир ўғлонни мардлик ва мангулик, шаън ва шўҳрат, фидойилик ва қаҳрамонликка етакловчи улўғ йўлдир.

ва алоқа ҳарбий институтда ҳам Ватанга қасамёд тантаналари юқори савияда ўтказилди.

Курсантлар буюк аждодларнинг пок руҳлари олдида, Ватани олдидаги бурчини ҳалол бажаришга бел боғлаб, виждони, ор-номус ва шаънини ўртага қўйиб, Ўзбекистон Республикасига, халқига ва Президентига бир умр содиқ бўлишга, ҳар қандай машаққатли синов ва қийинчиликларда ҳам эл-юртининг юксак ишончини оқлашга яқинлари ва кенг жамоатчилик гувоҳлигида тантанали равишда онт ичишди.

Ота-оналар фарзандидан ғурурланди, мард ўғлонлар эса Ватан шаънини умрларининг сўнгига қа-



Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган биринчи босқич курсантлари учун тантанали Ватанга қасамёд тадбирлари бўлиб ўтди.

Ҳарбий оркестр садолари остида муқаддас қасамёднинг оташин сўзлари, «Ўзбекистон Республикасига

садоқат билан хизмат қилман!» деган баралла ҳайқириқ ҳар бир курсант юрагидан отилиб чиқди. Чунки бу сўзни шунчаки айтиб ҳам, эшитиб ҳам бўлмайди.

Хусусан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида курсантлар Ватанга қасамёд учун саф тортди. Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи генерал-майор Шўҳрат Халмухамедов сўзга чиқиб, курсантларни она Ватанни қўриқлаш каби шарафли касбни эгаллаш йўлидаги илк қадамлари билан қутлади.

Шунингдек, Қуролли Кучлар академиясида мазкур олий ҳарбий таълим муассасасининг Умумқўшин факультети ва Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясига янги қа-

бул қилинган ёш курсантлар Ватанга қасамёд қабул қилди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Содикжон Турдиев сўзга чиқиб, юртимизда ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган шароитлар, уларнинг ижтимоий ҳимояси йўлидаги ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтди, барчанинги ўқиш ва кейинги хизматларига муваффақиятлар тилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари

дар жон-дилдан ҳимоя қилишга аҳд қилишди.

Тадбирлар давомида қўл жанги чиқишлари, таълим муассасалари томонидан тайёрланган саҳнавий композициялар намойиш этилди.

Б. ЭЛМУРОДОВ

Seminar

МАЪНАВИЯТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Қуролли Кучлар академиясида ҳарбий хизматчиларнинг истеъдод ва тафаккурини Ватан истиқволи сари йўналтириш, уларнинг тафаккурида миллий ва умуминсоний қадриятлар тушунчасини янги босқичга кўтариш мақсадида «Маънавиятнинг мазмун-моҳияти ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни» мавзусида семинар тренинг машғулоти ўтказилди.



Унда «Маърифат» тарғиботчилари жамияти аъзолари, «Оила ва хотин-қизлар» илмий тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети профессор ўқитувчилари, шунингдек, академия курсантлари, устоз ва мураббийлар иштирок этди.

Мазкур семинарда профессор-ўқитувчилар томонидан Қуролли Кучлар тизимида маънавиятни такомиллаштириш механизмлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш, юртимизда маънавий фаровон оила институти ва хотин-қизлар маънавиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маъруза қилинди. Шунингдек, курсантлар учун махсус видеоролик намойиш этилиб, у орқали маънавият, маърифат, виждон, ватанпарварлик тушунчасининг асл моҳияти, уларнинг



бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиб беришди.

– Бугунги семинаримиздан кўзланган асосий мақсадга эришдик, деб ўйлайман, – дейди «Маърифат» тарғиботчилари жамияти аъзоси, юридик фанлари доктори, профес-

сор Феруза Муҳиддинова. – Буни курсантларнинг юз-кўзидан англаб олишимиз мумкин. Албатта, маънавиятнинг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, унда виждон масаласи бирламчи аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Сабаби виждони, маънавияти бор инсонларгина Ватанни яхши кўради. Бу икки тушунча халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ

Uch avlod uchrashuvi

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ



Президентимиз раҳбарлигида тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, кексаларни эъзозлаш, эртаимиз эгаларини баркамол инсон сифатида тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, буюк аجدодларга муносиб авлод бўлиш, юртимиз тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳарбий прокуратура органлари ходимларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда қонунга ҳурмат, адолат туйғусини янада мустаҳкамлаш мақсадида тарих, бугун ва келажакни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, уларга устоз ва фахрийларни тақлиф этиш яхши анъанага айланди. Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эриш-

ган бўлсак, бу ютуқларда устозларнинг беқиёс ҳиссаси борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Дарҳақиқат, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай қиймат билан ўлчаб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

Устозларимиз ўгити, кексаларимиз панд-насиҳатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиз. Бу билан устоз ва мураббийларимиз олдидаги илк бурчимизни адо этган бўламиз. Инсон, аввало, унга билим



ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларга нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Шу муносабат билан Республика Ҳарбий прокуратурасида ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами арафасида тизимда узоқ йиллар самарали ва ҳалол меҳнат қилган фахрийлар билан «Уч авлод» учрашуви ташкил этилди.

Тадбирда Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси, Тошкент ҳарбий прокуратураси ҳамда видео-

концеренция алоқаси орқали барча ҳудудий ҳарбий прокуратуралар прокурор-тергов ходимлари қатнашди.

Сўзга чиққанлар устоз-фахрийларга самимий тилаклар билдириб, уларнинг панд-насиҳатлари, берган билимлари ва ўргатган илмлари бугун ҳар бирларининг ҳаётда ўз йўлини топишга йўлчиноқ бўлганини таъкидлаб, чуқур миннатдорчилик билдиришди.

**Адлия полковниги
Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
биринчи ўринбосари**



Улуғбек ҲАМДАМ

Баҳорда, атрофда ажиб бир уйғонишнинг ёқимли бўйлари уфур бошлаган тароватли бир айёмда, чўққи соқоли, ораста кийими ўзига чунон ярашган, қўл тегса, тилиб юборгудек қиррадор дўппи кийиб олган истараси иссиқ оқсоқол етти-саккиз ёшлар чамасидаги, ғайрати танасига сиғмай, қулай фурсат топдим дегунча ўзини ҳар ён уриб кўраётган чақмоқдек болакайнинг қўлидан маҳкам ушлаб олган кўйи мамлакатнинг бош шаҳрига келиб тушди. Отахон бошқа томонларга чалғимай, болажонни тўғри Хотира майдонига етаклади. Саккиз қиррали юлдуз ичра гуриллаб ёниб турган оловни айланиб ўтдилар-да, «Мотамсаро она» ҳайкали қошида бир муддат тўхтаб, эҳтиром кўрсатдилар. Сўнг бобо қўлидаги гулдастани тутқазиб имо қилганди, зеҳнли набира уни бирпасда она пойига тўшаб қайтди.

Кейин нақшинкор айвон томон юрдилар.

– Вуй, анави китобларни!.. – ҳайратини яширолмади болакай.

– Ҳа, ажойиб-а! – набирасининг завқига шерик бўлди бобо айвон деворларига ўрнатилган, олтинранг улкан китобларни авайлаб варақларкан. – «Ҳамдамов К. 1918–1943», – ўқиди бобо овоз чиқариб. Сўнг ўқиган жойига кўрсаткич бармоғини элтиб: – Болам, бу киши менинг отам, сенинг эса катта бобонг бўлади, – деди.

– Бобо, нега катта бобо бу ерда, китобнинг ичида? – сўради набирачандон қизиқиб.

– Чунки болам... – дабдурустан нима дейишини билмай бир зум тараддуланди бобо, сўнг борини борица айтишга қарор қилди, – чунки у киши урушда ҳалок бўлган. Ватанимизга бостириб кирган душманга қарши жанг қилган...

– Бобо, яна гапириб беринг. Бобо ўйга толди. Раҳматли онасининг айтишича, у киши Иккинчи жаҳон урушида, қонли жанглардан бирида оёғининг остига келиб тушган бомбадан чил-парчин бўлиб ўлган экан. Аммо ҳозир негадир ўз отаси қисматини эмас, балки элининг узоқ тарихида юз берган бошқа бир воқеани ҳикоя қилиб бергиси келди. Назарида худди шу ҳикоя мағзида нафақат ўз падари бузруквори, балки ер юзидаги жамики Ватан қаҳрамонлари тақдирини жо бўлган эди...

– Тавба, – деб қўйди у ҳикоясини бошлашдан олдин ўзига ўзи, ки тарих шундоқ кўз ўнгида такрорланаётган эди: ахир, гўё кечагина ўзига ҳам буни бобоси ҳикоя қилиб берганди-да. Яна қўшиб қўйгандики, «бу – Ватан ҳақида кўшиқ бўлади, ёдлаб олгин-да, вақти соати етганда уни болаларингуну набираларингга айтиб бергин...»

ВАТАН ҲАҚИДА КЎШИҚ

(ҲИКОЯ)

2

Қор бирданига босди. Ҳеч қутилмаганда. Ҳали эрта эди, аммо... Ортидан қора совуқ келди. Нафас олсанг, бурун катакларингнинг гирди гўё бирлашиб ёпишиб қолаётгандек, оёқ ва қўл бармоқларингнинг учи увишиб, ўзининг бор-йўқлигини сезмаётгандек бўлаверади. Ҳовузлардаги сув тарақлаб музлаган. Челак тугул, найза билан тешиб удда қилолмайсан: шундоқ ҳам суви кам қолган ҳовузлар тубигача яхга айланган. Бир қучоқ музни амаллаб олиб чиқсанг, уни эритиб-қайнатиб чой дамлаш учун на тезак ва на ўтин топилади. Дарахтларми?.. Бе-е, бор бўлса, дарахтлар ҳақида гапирилади-да! Қайда қопти дарахт дегани? Ҳаммаси ўтган йилги аёзда кесилиб, ўтинга ишлатилиб соб бўлган...

– ...шимолий-ғарбий дарвозалар бағоят заифлашиб қолди, ҳукмдорим! Таслим бўлишдан ўзга иложимиз йўқ! – ҳаяжону кўрқувдан дир-дир титраб келиб деди қалъабегини. – Шундай қил-сак, зора аёлларимизу болаларимизга тегишмаса... Ахир, ёғийнинг ваъдаси ҳам шундай эди-ку!?

– Қачон эди? Шунча қаршилик кўрсатдик. Аламлари бўғизларида. Жон аччиғида бутун халқни қиличдан ўтказишга, биздан, миллатдан нима қолади? – эътироз билдирди амирбоши.

– Ахир, айтинг, тузукроқ ўзга чорамиз борми?! Бўлса, бош устига! Барчамиз кўриб-билиб турибмиз, бир йилдан бери тиш-тирноғимиз билан қаршилик кўрсатамиз. Аскарларнинг катта қисми ҳалок бўлган, борининг ҳам шарт кетиб парти қолган: неча кундир сувсиз-нонсиз совуқда қотиб ўтирибди, у ёқда ўқ-дорисининг ҳам таги кўриниб ётибди. Қўлимиздаги қиличу юракларимиздаги умиддан ўзга ҳеч вақомиз йўқ энди! Уша умид билан Тангрига сиғинайлик-да, қиличларни ёғий оёғи остига ташлайлик, ҳукмдорим!..

Ҳукмдор қалъабегининг гапларига диққат билан қулоқ тутиб тураркан, ушбу оқил ва мард жангчи билан хаёлан баҳслашарди: ахир, қайси юз билан таслим бўлишди? Тарих кечирадимми?.. Тарих?.. Қанақа тарих? Таслим бўлмаса, яна нари борса, бир неча ҳафта ичида ҳаммаси патарат топади-ку! Бир йилдир дош бериб турган дарвозалар қулайди-да, ичкарига мўри малаҳдек бостириб ёғий киради ва ваъдасини бекаму қўст адо этади: эркаларнинг уруғини қуритиб, қизу аёлни ўртада бебурд қилади, болаларни эса қул ва чўрига айлантиради. Сўнг унинг Ватани ҳам, унга қўшилиб элининг тарихи ҳам ер юзидан супурилиб кетмайдими?..

Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин, агар... Агар у қалъабегини ўтиниб сўрагани каби иш тутса!.. «Шунда... шунда кўзи қонга тўлган душман қўлида қилич тутабилгич жамики эркаларни сўйса ҳам, аёллару ёш болаларимизнинг омон қолишига умид қилса бўлади. Шунда... шунда менинг халқим батамом қирилиб кетишдан сақланиб қолади ва қачонлардир яна ўзлигини тиклайди!.. Ох, тиклармикан!?!»

Шундай дер эдию, ҳукмдор алам билан лабини тишларди. Чунки бу



эҳтимол ҳам мавжуд воқелик қарши-сида ғоят ҳақир кўринарди. Шунчаларки, у дам кўзга илашар, дам эса йўқ. Шунинг учун ҳам у бисотидаги сўнги чорани қўллаш ҳақида ўйлай бошлади. Сўнги чора! Бас, у ҳаммасини ҳал қилади: ё ҳаёт, ё ўлим!..

Ҳукмдор уззу кун шу ҳақда ўйлади. Сўнги чорани қўллаш вақти келдимикан деб, бу борада хато қилиб қўймаслик устида узоқ ва жиддий бош қотирди. Ниҳоят, бир қарорга келди: аёнларини тўплаб кўнглини дастурхон этди...

Эртаси кун ҳукмдор юрт кезмоқ учун ташқари чиқди. Элнинг катта бир қисми сарой атрофида тўпланиб, унинг навбатдаги, – балки охиригидир, – фармонига бутун вужудлари қулоққа айланиб маҳтал туришарди. Уларнинг олдиларидан бир-бир босиб ўтаркан, ҳаммасининг дард тўла нигоҳларида очлик ва совуқдан, мусибат ва чарчокдан, умидсизлик ва чорасизликдан дол бўлган қадларида битта, ҳа-ҳа, биттагина тилакни кўрар, у ҳам бўлса, қалъабегининг айтганлари билан муштарак жаранглар: «Ҳаммамиз сенинг шонли туғинг остида шунча вақт аҳил яшадик, тирикликнинг аччиқ-ширинини бирга тотдик, ёв келганда бирдаму бир жон бўлиб курашдик, нимаики юрда содир бўлаётган экан, бари-барини кўриб-билиб турибмиз, сен ҳақиқий миллатсевар, ватанпарвар ҳукмдор экансан, лекин энди қўлингдан нимаю келарди, элга келган тўй экан, биз ҳам, сен ҳам имконимизда борини қилдик, энди сен биздан рози бўлмоғинг кераклигидек, биз ҳам сендан розимиз, дарвозаларни очайлик-да, тақдиримизнинг қолган қисмини пешана ёзиғимизга топширайлик!» деяётгандек туюларди.

Юртнинг қамал қилинган бўлагини пою пиёда узоқ айланди ҳукмдор. Ҳар одимда мудофаа билан боғлиқ турли-туман ишлар жонсизроқ бўлса-да, давом этиб турарди. Аммо бир пайтлар гулистон бўлган мамлакат

энди харобазорга дўнганди, бир пайтлар мағрур юрган ватандошнинг энди боши ҳам, қадди букик, нигоҳи синиқ эди... Юра-юра, илгари обод, энди эса барбод бўлган бир мавзе марказидан чиқиб қолди ҳукмдор. У ерда тўпланган тумонат одам ниманидир бўлиша олмай, баҳслашиб-тортишиб турарди. Ҳукмдорни кўрганларнинг бир қисми бош эгиб таъзим қилди, аммо урушиб-талашаётганларнинг аксари қиё ҳам боқиб қўймади, аксинча, зўр бериб ўзларини тўданнинг ўртасига урарди. Ҳукмдор синчиклаб разм солдию ўртада талаш бўлаётган бир бўлак зоғора нонни кўрди. Очликдан силласи қуриган одамлар ана ўша бир парча егулик илинжида бир-бирларининг юзу кўзларига охириги кучларини тўплаб мушт туширар, бир-бирларининг етти аждодини бўралаб сўқар ҳам эди. Туртишиб-суртилишлар натижасида нондан уқаланиб ерга тушган ушоқларни териб қор ва муз парчаларига қўшиб оғзига солиш илинжидагилар ҳам ўшанча топиларди... Ҳукмдор аяңч манзара қаршисида узоқ қололмади, ўзига ўзи: «Ҳа-а, уруш элни не қўйларга солиб қўйди!.. Аммо қай тадбирда хато қилдим мен?! Кўргуликнинг барига мен айбдор, ҳа, мен!..» деганча, юрагида гуриллаб ёнаётган олов билан дуч келган томонга боса кетди...

Кун оға бошлаганда эса темирчилик устахонасига келиб қолди. Аёнларини эргаштириб устахонага бош суққан ҳам эдики, ичкаридаги тақир-туқир бирданига тинди. Усталар юзланиб, қўлларини кўксига қўйганча ҳукмдорга таъзим бажо келтирдилар ва шу кўйи ҳайкалдек қотдилар. Фақат четда бир киши орқа ўгириб олиб, бошини қўйи солган кўйи ўнг қўлидаги гурзидек катта болға билан чап қўлидаги, оловдан эндигина чиққан, позиллаб турган чўғ-қилични савалаб ишлов беришини қўймади: тақ-тақ-тақ... Қўрқиб кетган устабоши «ҳой!» дея сасланди. Бироқ уста ишга шу даражада берилиб кетгандики, ҳеч нимани пайқамади. Бирданига ҳамманинг нафаси ичига тушди. Устабоши жонҳолатда чопиб бориб, устанинг елкасидан туртаркан, дўқ урди: «Таъзим қил!»

Уста ўгирилиб ҳукмдорини кўрди ва болғани қўйиб, қўлини кўксига олиб борди, бошини эгиб ҳурмат кўрсатди. Ҳукмдор унинг ўрта бўйию чайир билакларига, меҳнатдан қорайиб кетган чеҳрасига негадир кулимсираб тикилиб қолди. Уста бир муддат кутди, сўнг яна бутун қиёфаси билан ҳукмдорига эҳтиром кўрсатдию қўлига «гурзи»ни тутди: тақ-тақ-тақ!. Устабошининг яна капалаги учди ва «Бас қил!» дея кескин буйруқ берди. Уста ишдан тўхтаб, «Нима гап?» дегандек ҳайрон қаради. «Эсингни едингми? Қаршингда ҳукмдор турибди, таъзим бажо айла, нодон!» Уста унга ҳайрон қаради ва хотиржам, аммо қатъий оҳангда: «Мен зиммамга тушган вазифани бажаряпман. Қолганлар ҳам ўз ишини сидқидилдан адо этганда эди, дарвозаларимиз ортида лак-лак душман қўшини келиб турмас эди!» деди. Наштардек ушбу жавобдан устабошининг эси оғиб қолаёзди: у яшин тезлигида нимадир демоқчи бўлдию ё ичидаги кўрқувига ва ё ҳаяжонига тикилиб тутилди. Балки айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган гапининг маънисига урилиб кетган бўлиши ҳам мумкин... Нима бўлгандаям, устабоши вазиятни тузатолмас ҳолларга тушиб гангиди. Шунда ҳукмдор унинг озурда жонига оро кирди: қўли билан «ҳожати йўқ» дегандек имо қилди. Сўнг бир маромда ишлаб турган устага тикилиб турди-турди-да, унинг елкасига



енгилгина шапатаб қўйганча уста-хонанинг чиқиш томонига йўналди. Қолган усталарнинг бари қуллуқ қилган қўйи уни кузатиб қолишди... Ҳукмдор устахонадан чиқиши билан эса ёппасига тақир-туқур бошланди. Аммо у уч-тўрт чақирим олислаб кетганда ҳам ортидан унинг қулоқларига фақат ўша устанинг болғасидан чиқаётган товушгина келиб турарди: тақ-тақ-тақ... Ва у негадир худди бир пайтлардаги, озод ва обод юртидаги темирчилик устахоналаридан келадиган садони ёдига соларди...

...Эртаси кун азонда ҳукмдор сарой олдидаги баланд супага чиқиб келди. Неча замондир фармонни жарчи ўқиб халойиққа ошкор айлар эди. Энди сахнада ҳукмдорнинг ўзи қад ростлаб турибди. Аммо бу гал «жарчи»нинг қўлида фармон битилган қоғоз йўқ эди. Ҳамишаги жарчи «Ҳукмдоримизнинг фармони олийлари эълон қилинади!» дея жар солиши билан бутун эл у ерга ёпирилди ва ўз ҳукмдорлари билан юзма-юз келди. Одатда, бундай манзарадан оғизлар очилиши керак эди-ю, бундай бўлмади, ки аҳвол изоҳларсиз ҳам кундек равшан эди...

«Эй муқаддас тупроқ! Эй шу тупроқ эгалари! Эй водийлар, эй воҳлар! Эй бепоён ўлканинг боғу роғларию эй, дашту далалар ва чўлу биёбонлар! Эй юртимнинг осмонўпар тоғларию улардан тушиб келгувчи дарёю сойлари! Эй сахий куюш ва эй кечалари бошларимиз узра порлаб тургувчи беминнат ойу юлдузлар!.. Мен сизлардан мингдан минг розиман! Фақат ўзим учун сиздан рози-ризолик тилашга тилим айланмайди. Чунки биланки, бунга асло ҳаққим йўқ! Яхши ҳукмдор Ватанини ёвга топширмайди. Аксинча, уни ҳеч бир ёвнинг дасти етмайди баландликларга олиб чиқади ва мудом ўша ерда қолмоғини таъмин этади. Надоматлар бўлғайки, бу менинг илкимдан келмади!..» – ҳукмдор бу аччиқ, аламли сўзларни ирод қилмоқчи эди, аммо айтолмади. Улар ҳукмдорнинг ботинидаги жарангларди. Мана, неча ойдир, кунда жаранглайди улар. Бас, бутун вужудини қоплаган титроққа бир зум енгилиб, кўзларини юмди... киприкларидан реза-реза ёш халқаланди... У ўзини қўлга олишга тиришаётгани бутун қиёфасидан, айниқса, бўғриқиб бораётган юз-кўздан, бўртиб чиқаётган бўйин томирларидан, дам-бадам силкинишга тушаётган вужудидан шундоқ билиниб турарди...

– Мен... Мен кеча юрт кездим, – деди у ниҳоят, овоз чиқариб, – гулдек ўлканинг ёғийга таслим бўлишини ўйласам, ҳалигача тирноқларимнинг учига титраб кетяпман!.. Ахир, бу сиз билан бизнинг юртимиз! Уни биз ўз қўлларимиз билан бунёд ва обод этдик. Бас, тупроқларимизда биздан ўзга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак! Эсланг, ҳаммамиз шу юрт кучоғида туғилдик, унинг кенгликларидан дунёни танидик, ҳаёт деган тенгсиз неъмат билан юзлашдик, ота – ким, она – ким, дўсту ёр – ким, билдик. У – бизнинг ору номусимиз, бору йўғимиз! Бас, унинг бағрига ғайри кимсаларнинг киришига минбаъд риз қўймаганимиз!.. Шундай деймиз-у, энди... – ҳукмдор кўз ёшларини қулт этиб ютиб юборди, – энди кўрмайсизми, ёв манави деворларимизнинг, дарвозаларимизнинг шундоқ ортида тиш ва қилич қайраб турибди. Бизнинг эса егани номимиз, ичгани сувимиз қолмади. Қуролу аслаҳамиз ҳам уларникидек эмас. Устига-устак, ҳолдан тойганмиз, жангчиларимизнинг кўпи очиқ жангларда ҳалок бўлган. Қолгани оч ва юпун... Жосусларимизнинг сўнги

маълумотларига қараганда, душман биздан ўн ҳисса зиёд. Ҳам қорни тўқ, ҳам қуроли соз. Шунча кўргулик етмагандек, эшик қоқмай қахратон қиш кириб келди. Худди ёғий каби қўққисдан босди у ҳам бизни. Ёғийни мамлакатга сўқмасак ҳам бу туришда қишдан омон чиқишимиз амри маҳол... Мен кеча мамлакат кездим, сиздан бир оғиз сўроқ сўрмай ҳолингизга қарадим. «Нима қилайлик?» деб юзу кўзингизга тиланчи каби мўлтираб боқдим. Биласизми, ҳаммаларингнинг нигоҳларингиз битта жавобни кўрдим. У ҳам бўлса, «Дарвозаларни очайлиги, у ёғини тақдирга ҳавола этайлик!» деган...

Мен дунёга келиб сиздек мард, сиздек садоқатли халқни кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Сизлардан айримларингиз аллақачонлар мени, юртимизни, миллатимизни сотиб, душман тарафга қочиб ўтишингиз мумкин эди. Аммо бунга қилмадингиз. Биронтангиз нону тузимизга хиёнат қилмадингиз, орқадан пичоқ урмадингиз. Мен, аввало, шунинг учун ҳам Яратганга шукроналар келтираман! Сизларга эса қуллуқ қиламан! Лекин энди вазият бошқача йўл тутишни тақозо қиляпти экан, бу ҳам қисматда бор кўрилади. «Таслим бўлсақ, душман ўз ваъдасида туриб, аёлларимиз ва болаларимиз ҳаётини сақлаб қолар...» демоқдасиз сиз. Наҳотки, бисотимизда фақат шугина бир умид қолган бўлса?! Биргина шу умид!.. Наҳотки, сизнинг айтадиган бошқа гапингиз, ўзга тақлифингиз бўлмаса?! – хирқироқ овоз билан хитоб қилди ҳукмдор...

Халқдан эса садо чиқмади. – Айтинг, шу чоққача фармонни мен бердим, энди бир гал сиз беринг. Ки, бу фармонга ватанимизнинг, сизларнинг, ҳаммамизнинг тақдиримиз боғлиқ! Эълон қилинг фармонни! – ҳайқирди ҳукмдор энди...

– Сўз айтмоқча рухсат беринг, ҳукмдорим! – одамлар орасидан кўримсизгина, шу ерда йиғилганларнинг кўпчилиги қатори устбоши кирчир, йиртиқ-ямоқ бир йигит чиқиб келди-да, ҳукмдорнинг қаршисида тиз бўқди.

– Сўйла! – буюрди ҳукмдор. – Модомики, фармонни биздан кутаётган экансиз, менга жангда ҳалок бўлиш шарафини ато этинг! Ёвга таслим бўлиб қул бўлгандан кўра душман қиличидан ўлиб, озод бўлишни афзал биламан!.. Мен жонимни тақлиф қилиб келдим, ҳукмдорим!! Ахир, Ватан қўлдан кетар экан, жонни нима қиламан!.. Мен Ватанимни бошқача яхши кўролмайман!..

Боягина атроф сув қуйгандек жим эди, бирдан ғала-ғовур бошланди:

– Эсини еб қўйибди бу!..

– Битта ўзи лак-лак қўшинга қарши борадими?..

– Мусибат элтиб қўйган бунинг!..

– Рухсат берманг, ҳукмдорим! Йўқса, ҳаммамиз шу темирчининг касрига қоламиз! Душманнинг яна ғазабини келтиришининг нима ҳожати бор? Аслида, муносиб ёғийга муносиб тарзда таслим бўлиш ҳам бир шараф! Шунда ғолиб мағлубни авф этади... Бу шўринг қурмағур йигитча бизни ўша сўнги имкондан ҳам маҳрум айламоқчи!..

...ундан – у, бундан – бу, дегандек, кўпдан кўп гап чиқди. Лекин уларнинг бари йигитнинг сўнги истагига қарши жаранглади.

– Жим! – қўлини азот кўтарди ҳукмдор. Сўнг яқин келиб фуқарони елкасидан тутиб турғазди. – Сен кечаги темирчи йигит эмасмисан, мабодо?

– Ҳа, ҳукмдорим, ўшаман, – кўзларини ердан узмай жавоб берди темирчи.

– Отинг нима?

– Турон! – фахр билан деди йигит.

Ҳукмдор йигитни маҳкам бағрига босиб, қулоғига шивирлади: Агар ҳамма сендек жасур бўлиб, сендек фикр юритганда эди, остонамизда ҳозиргидан ўн ҳисса кучли ёв турганда ҳам, барибир энгиб чиққан бўлар эдик! Қани энди ҳамманинг кўксига сенинг юрагингдек юрак ура бошласа!.. – Ажабтовур манзарани кўриб, халойиқнинг нафаси ичига тушди, шовур эса тинди. – Майли, сенинг тилагингни қабул қиламан, жангчи! Тангри сенга, менга, бутун туронликларга мадақкор бўлғай!.. – сўнг ҳукмдор қалъабегини томон юзланиб ҳайқирди: – Дарвозани очинг!

Лекин жавобан на қалъабегини ва на аскарлар – ҳеч ким ҳаракатга кечмади. Афтидан, улар нима бўлаётганини бирдангина фаҳмлай олмай, довдираб туришарди.

– Дарвозани очинг, дедим, қалъабегини! – баланд оҳангда такрор ҳайқирди ҳукмдор. Қалъабегини дарҳол ҳушини тўплаб, дарвозабонларга буйруқ берди. Зумда саройга энг ёвуқ дарвозанинг бир қаноти хиёл очилди. Кечаги кунга доғур темирчи, бугун эса жангчи дўнган йигит ҳукмдорнинг бағридан айрилдию дарвозадан шитоб чиқиб, тўғри душман ёққа йўналди. Ўн-ўн беш одим юргач эса белига тақилган қинни қўлига олди. Сал нарида эрталабдан янги ҳужумга тайёргарлик кўриб саф тортиб турган ёв қўшини аввалига анграйиб турди, сўнг биргина йигитнинг қилич суғуриб, қинини дуч келган томонга улоқтирганча жангга ҳозирлигини кўргач эса хохолаб қулиб юборди.

Бу пайтда Турон эли баландлиги нақ бир терак бўйи, устида иккита арава бемалол ёнма-ён юроладиган қалин деворлар устига чиқиб олганча воқеани кузатар эди. Ҳукмдорнинг эса бутун вужуди кўзга айланиб, лаблари тинимсиз пичирларди...

Йигит ёв қўшинига жуда яқин қолганда улар орасидан бир неча пиёда жангчи ажралиб чиқиб, қиличларини яланғочлади. Йигит улардан энг пешдагисига ҳамла қилди ва қиличининг бир ҳимоси биланоқ душман бошини сапчадек узиб ташлади. Сўнг иккинчи, учинчи, тўртинчисини ҳам худди шундай осонлик билан саранжомлади. Ушбу манзара бир қарашда гўё ўтда ёнмасу сувда чўкмас, қилич чопмасу енгилмас қаҳрамонлар ҳақидаги эртақларни ёдга соларди, соларди аммо бу эртақ эмас, балки айни ҳақиқат эди. Чунки у ҳамманинг – минг-минглаб жангчию қалин деворлар устига чиқиб олган Туронэлнинг шундоқ кўз ўнгида содир бўлаётганди... Алқисса, ёғийнинг ўндан зиёд аскарери ер ташлаб қолди. Эндигина қаҳ-қаҳлаб турган улкан қўшиннинг кайфияти бузилгану йириб очилган кўзлари омонсиз жанг давом этаётган дўппидек майдонга михланганди. Йигит-чи, у жонини жабборга топшириб қўйганча қилич сермар, «бир, икки, уч!» дегунча ўзига баъзан бир яримта келадиган давангир-давангир душман жангчиларини ерга қулатар, сўнг яна олдинга ташланарди. Бунга ортиқ чидаб туриш мумкин эмасди, ки майдон ёв жангчиларидан сачраган қону уларнинг жасадрларига тўлиб бораётган эди. Шу пайт денг, бир жойда қоқилган қозикдек тек турган қўшин ҳаракатга келдию ўндан ажралиб чиққан жангчиларнинг катта бир гуруҳи халқа бўлиб йигитни ўраб олди. Йигит энди гоҳ у ёндан, гоҳ эса бу ёндан ҳамла қилаётган ёғийга қараб шердек ташланар, наъра тортарди. Ниҳоят, унинг қиличи навбатдаги душманнинг боши узра азот кўтарилганда чор томондан сиқиб келган ёв қўлидаги ўнларча

узун найзалар жангчининг ёшгина баданини илма-тешиқ қилиб тешиб ўтди... ва... ва йигитнинг вужуди ўша алфозда ҳайкалдек қотди...

...аммо худди шу аснода тарих ўз йўлини ўзгартирди... Чунки худди шу лаҳзада Турон элининг юрагидан ухлаб ётган шер қаттиқ наъра тортганча ғафлат уйқусидан бош кўтарди...

...борлиқ дарвозалар бирдангина лангиллаб очилди ва ҳайқариб, сурон солиб Турон жангчиларию оддий эл душманнинг устига ёпириб кела бошлади. Уларнинг орасида етти ёшдан етмишгача, эркакдан аёлгача бор эди. Соғми-касалми, бутунми-чўлоқми, карми-соқовми... ҳамма ўзини жанг майдонига отганди!.. Ва барчанинг кўз ўнгида эндигина Ватанинг ору номуси дея бир ўзи бутун бошли душман қўшини қаршисига чиққан, чиқа олган жангчи йигит ва унинг душман билан бўлган тенгсиз олишуву сувратланиб қолганди. Бас, энди бу қўшин қаршисига чиқишга жазм қиладиган қўшин бутун ер юзини айланиб битирганингда ҳам топилмасди. Топилмасдинг ҳам! Гўё бу қўшин жангчиларининг ҳар бири эндигина йигирма қоғли душманни ер билан яқсон қилган ўша жасур жангчи йигитга айланиб бўлганди... худди ҳукмдор орзу қилгандек...

Ҳа-я, сал бўлмаса, эсимдан чиқаёзиди: ҳукмдорнинг охириги чораси... У шу эдимиз ё бошқа, – буни ҳеч ким билмади. Ўшандаям, ҳозирам... Зеро, ғалабадан кейин буни ким ҳам сўраб-суриштирарди, дейсан...

3

– Жангда ким ғолиб бўлди, бобо?! – ҳикоя мағзини тушуниб қолганига қарамай, яна-да аниқлик киритмоқчи бўлиб сўради таъсирланиб кетган болакай.

– Албатта, туронликлар! Чунки улар сонда ўн ҳисса оз бўлса ҳам, амалда душмандан йигирма ҳисса кучли эдилар. Туронийгитнинг мардонатор ўлими уларнинг юрагини ўйғотиб, ўндан ўлим кўрқувини қувиб солганди. Уйғонган юракда гап кўп, болам. Юраги ўйғоқ инсонни ҳам, бундай элни ҳам асло энгиб бўлмайди...

Бобо ҳикоясини тугатгандан сўнг узоқ муддат сукутга чўмди. Боланинг бўлса, нигоҳларида ҳайрат қотиб қолганди. У ҳаммасини тушунган каби савол беришни бас қилган, бир бобосига, бир она ҳайкалияю бир унинг қаршисида – майдон ўртасида ёниб турган мангу гулханга ва бир катта боболарнинг исмлари битилган зарҳал китобга маъноли-маъноли қарар, ўзича нималарнидир ўқиб олмақчи бўлар эди. Яна бирпас кутиб олгач, бобо боз тилга кирди: «Бу – Ватан ҳақида қўшиқ бўлади, болам. Ёдлаб олгину унутмагин. Кун келиб эса уни ҳикоя қилиб бериш гали сенга етади...»

Бобо ва набира кун бўйи майдон айланиб, савол-жавоб қилиб, суҳбатлашиб юришди-да, шом туша бошлагачина бекат ёққа охишта одимлашди. Бу чоғ хув узоқда, уфқда қуёш ол рангларга чулғани ботаётган эди. «Қара, эртага кун яна-да мусаффо бўлади!» деди бобо. Боланинг эса нигоҳи бобоси ишора қилган томонга қадалган бўлса-да, кўз қорачиғида, ором олиш учун рангин шафақ – ёстиққа бош қўяётган бобоқуёш эмас, йўқ, балки Ватан шаъни, миллат ҳимояси учун сон-саноксиз ёвга қарши бир ўзи жанг майдонига кириб кетаётган ўша ёш ва баҳодир йигит суврати акслар, лаблари эса «бобо, у менинг катта бобомнинг ҳам катта бобоси экан» дея пичирларди...

Islohotlar – amalda

ҲАРБИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИДА

Янги замон сиёсий майдонида ахборий урушлар, тинчликка раҳна солувчи таҳдидлар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бунда юрт тинчлиги, Ватан сойишталигини сақлай оладиган, турли хил ёт ғояларга қарши собит тура оладиган, маънан ва жисмонан етук Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, мамлакат мудофаа салоҳиятига эътибор бериш ҳар қачонгидан ҳам зарур. Ўз фикри, дунёқарашига эга ҳарбийлар нафақат армия нуфузи, юрт тинчлиги учун, балки келажак авлод тақдири учун ҳам ғоят муҳимдир.

Айнан шу мақсадлар ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида захирадаги ва резервдаги офицерларни тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг ҳарбий кафедралари тугатилиб, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ташкил этилди. Шунинг алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ўтган давр мобайнида Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ўз олдида қўйилган мақсадлар сари дадил қадам ташлаб бормоқда.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ ЎҚИТИЛАДИ

Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Ўзбекистон Миллий университети ҳудудидаги алоҳида бинода жойлашган. Бугунги кунда марказда жами 11 та олий таълим даргоҳидан саралаб олинган талабалардан 30 та ҳарбий мутахассислик бўйича резервдаги ва захирадаги офицерлар тайёрланяпти. Умумқўшин тайёргарлиги, артиллерия, тарбиявий ва мафкуравий ишлар, фронт орти ва молиявий таъминот каби ўн та циклда машғулотларнинг талаб даражасида ўтказилиши учун камида 7 йиллик хизмат тажрибасига эга нафақатдаги ва амалдаги тажрибали офицер ўқитувчилар жалб этилиб, ўзларининг билим ва кўникмаларини ёш курсантлар билан ўртоқлашиб келмоқда. Шу билан биргаликда марказ талабалари орасида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялари университети ҳарбий журналистика йўналиши талабалари ҳам таълим олиб, ҳарбий соҳага оид билимларини кенгайтириб бормоқда. Бўлажак ҳарбий журналистлар учун ҳарбий билимларнинг мукамал бўлиши эса келгусида уларнинг ахборот мудофасини яратиши, унинг хавфсизлигини таъминлашида асқатади.

НОМЗОДЛАР ТАНЛОВ АСОСИДА САРАЛАНАДИ

Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказида таълим олиш учун ОТМ талабалари ҳар йили танлов асосида саралаб олинади. Саралаш бир неча босқичдан иборат бўлиб, жараёнлар ОТМда таълим олишнинг иккинчи курси охирида бошланади. Ушбу жараёнларнинг асосий мезонлари куйидагилардан иборат:

- ▶ тиббий кўрик;
- ▶ шахсий-руҳий ҳолатни ўрганиш;
- ▶ ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражасининг натижалари;
- ▶ жисмоний тайёргарликни баҳолаш.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича билим даражасини баҳолаш каби саралаш босқичларидан ўтган талабалар курсантликка қабул қилинади.

ЯНГИЛИК ВА ИННОВАЦИЯЛАР

– Марказимизда бу йилги машғулотлар бошқа таълим муассасалари каби 6 сентябрдан бошланди, – дейди Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказининг тарбиявий ва мафкуравий ишлари цикл бошлиғи, фалсафа фанлари доктори майор Саидикром Усмонов. – Тасдиқланган квота бўйича 2021/2022 ўқув йилида жами 730 нафар талаба Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларидан танлов асосида қабул қилиниб, 30 та ҳарбий мутахассислик бўйича резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш амалга оширилади. Ўқув йиғини эса ўқув йилининг якунида 2022 йил июнь-июль ойларида Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ёки Марказ базасида ташкил этилиши режалаштирилган. Ўқув йиғинларининг давомийлиги 15 календарь кунини ташкил қилади. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, марказимизда жорий йил 30 та ҳарбий мутахассисликлар бўйича барча ўқув дастурлари Мудофаа вазирлиги бошқарма ва бўлинмалари ҳамда Қуролли Кучлар академияси мутахассислари билан ҳамкорликда янгидан лотин алифбосида ишлаб чиқилиб, фойдаланиш учун тақдим этилди.

Ҳозирги кунда марказдаги ўқитувчиларнинг 20 нафари мустақил изланувчи сифатида илмий тадқиқот ишларини олиб борапти. Бу ҳам, албатта, бу ерда тахсил олаётган талабалар учун ижобий натижа беради. Сабаби илмий изланишда бўлган ўқитувчи бошқаларга нисбатан кўпроқ изланади, кўпроқ ўқийди ва ўз билимларини талабалар билан ҳам ўртоқлашади.

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМЛАРИ

Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази бир неча олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар қаторига Қуролли Кучлар академияси, Чирчиқ олий танк қўмон-

донлик-муҳандислик билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти каби ҳарбий олий таълим муассасалари ҳамда Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети сингари олий таълим муассасалари киради.

Мазкур тизимнинг афзал жиҳатларидан бири унинг моддий-техник баъзасининг сон ва сифат даражаси жиҳатидан мукамаллигида. Яъни бу ерда тахсил олаётган курсантлар Қуролли Кучларимизда мавжуд жанговар техника, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларнинг ўқув намуналари билан яқиндан танишиш, улар билан машғулот олиб бориш билан бир қаторда, мутахассисликлари бўйича назарий ҳамда амалий билим-кўникмаларини ошириб боради. Марказдаги цикллар ўзаро жанговар, саф ва маънавий-маърифий тайёргарлик фанларидан мусобақалар ўтказиб, юқори натижага эришган цикл ва шахсий таркиблар раҳбарият томонидан муносиб тақдирланади.

– Курсантлар ҳарбий тайёргарлик машғулотлари учун ажратилган 528 соатнинг 78 соатида амалий машғулотлар билан банд бўлади, – дейди Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази

бошлиғи доцент, подполковник Козимбек Ҳайдаров. – Қолган 450 соат марказдаги аудитория машғулотлари учун сарфланади. Шу давр мобайнида талабаларнинг ҳарбий тайёргарликдан ўтиш давридаги билими белгиланган низомага мувофиқ, тегишли тартиб асосида баҳоланади. Низомга мувофиқ ҳарбий тайёргарлик бўйича якуний давлат аттестациясини топширган ва бакалавриятнинг тўлиқ курсини муваффақиятли якунлаган талабалар «лейтенант» ҳарбий унвонига эга бўлишади. Шундан сўнг улар ҳақиқий ҳарбий хизматга қақрилади ёки резервга ёхуд захирага ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда марказ фаолияти анча сермахсул ва қизғин. У ердаги маънавий-ижодий муҳит, ҳарбий ҳаётга мослашувчанлик, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси «устоз-шогирд» аънарасига асосланган тарзда олиб



борилмоқда. Бу, албатта, Қуролли Кучларимиз кучига куч, қудратига қудрат қўшадиган муҳим омилдир.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

1-oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni

МУАЛЛИМНИНГ УКАСИ

– Катта бўлсанг, ким бўласан?
– Абдурахим муаллим...
Болалигимдаги бу савол-жавобни ота-онам, опам, акам жуда кўп эслайди. Абдурахим Худойқулов – биринчи ўқитувчим. Умрининг охиригача менинг тақдирим, қилаётган ишларим, ютуқларим билан қизиқиб ўтди. Биз «иши кўп» шоғирдлар бир-икки бор йўқлаганимизни айтмаса, ёлччиб эслаганимиз ҳам йўқ.

Улғайганим сари ҳаёт менга жуда кўп меҳрибон устозларни тортиқ қилди. Туманимиз марказидаги лицей-интернетдаги тахсил чин маънода умримнинг бурилиш палласини ясади. 14 ёшимдан мусофирчилик заҳмини тота бошладим. Яширсам, хатоимни хаспўшлаган бўламан, лицейдаги дастлабки ҳафтани аранг яқунлаб, қишлоқдош синфдошим билан кўч-кўронимизни кўтариб, ўзимизнинг мактаб яхши экан, дея қайтиб келганмиз. Бир умрлик устозим – падари бузрукворим қайтариб олиб бориб, жойлаштириб келган. 30 йиллик муаллим – дадам тўғрисида алоҳида асар ёзиш мумкин, мана шу ғамхўрлигининг ўзи бир умр миннатдор бўлиб яшашимга арзийди.

Лицей-интернатдаги синф раҳбарим Дониёр Қаландаровдан кўп яхшиликлар кўрдим. Ҳалигача кўнги-роқ қилиб, тергаб туради. Аксарият муаллимларимиз ўзларининг покизаликлари, меҳнатсеварликлари, илмга чанқоқликлари, ғамхўрликлари билан бизга сабоқ берган. Директоримиз Қурбон Ҳайдаров ҳар бир ўқувчини ўзининг фарзандидек кўрарди. Ўша йиллари битирувчиларнинг 90 фоизи (*тахминан шу атрофда*) олий ўқув юртларининг талабасига айланарди.

Ўзбекистон Миллий университетидаги талабалик йилларимдан Ҳаёт аталмиш муаллимнинг этагидан маҳкам тутдим. Салқироқ ушлаган маҳалим қилган хатоларимни вақт даволади. Ўша маҳаллар пойтахтда қишлоғимиздан журналистика соҳасида ишлаётган бирор кас йўқ эди. Телевидениеда «Юзма-юз» кўрсатувини олиб борадиган бахмаллик журналист Хусан Эрматовнинг чиқишларини фахрланиб кузатардик.

Биринчи курснинг илк ўқув ойида «Маърифат» газетасига амалиётга келганимдаги қувончимнинг таърифини келтиришга бисотимдаги сўзлар етмаса керак. Ўқувчилик йилларимдан таҳририятда ишлайдиган барча муаллифларни исм-фамилияси орқали танирдим. Дадам она тили ва адабиёти фани ўқитувчи эмасми, газетанинг ҳар бир сони уйимизга келарди. Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, худди узоқ сафардан оилам бағрига қайтиб келгандек бўлганман.

Абдусамат Раҳимов, Икром Бўрибоев, Баҳодир Жовлиев, Хулқар

Тўйманова, Ойбуви Очилова... яна бошқа санаган, санамаганларим. Ёшим қирққа яқинлашиб қолган бўлса ҳам уларнинг олдида ўзимни ҳалиям ёш боладек сезаман. Биринчи иш жойим мана шу даргоҳ бўлди. Ростини айтсам, бошқа жойда ишлашни тасаввуримга сиғдира олмасдим.

Бир куни аксига олди. Бош муҳаррир чақириб, иш топишим кераклигини, туғуруқ таътилига кетган бир қизимиз келаётганини, унинг ўрнида эканимни айтиб қолди. Яратганинг меҳрибонлигини қаранг, мен ишни ўзгартиришим керак бўлган санада масъул котибимиз махсус фармон билан Президент девонига ишга ўтганини ўқиб, эшиттиришди. Қолганларнинг лавозими бир сидра қўтарилди. Бир «думалаб» масъул котиб ўринбосари бўлиб қолдим.

Ўшандан буён Ҳаёт муаллимга кўп-кўп раҳматлар айтаман. У менга қанчадан-қанча чорасизликларни чора, имконсизликларни имкон қилиб берди. Ҳар қандай ҳолатда каттароқ қадам ташламоқчи бўлсам, юқорида номларини тилга олганим – устозларимнинг маслаҳатини олишни қанда қилмайман. Ич-ичимдан миннатдорлик билан айтишим керакки, улар ҳам менга туғишган инисига маслаҳат бераётгандек ёндашади, ўрни келганда, амалий ёрдамларини аямайди.

«Хуқуқ ва бурч» журналида ана шу устозларнинг маслаҳати билан иш бошладим. У ердаги 5 йиллик фаолиятим ўтиш палласи бўлди. Бу маскан ўзининг тартиб-интизоми, талаби билан таълим ва ҳарбий хизмат ораллиғидаги олтин ўрталик эди. Қисқача айтганда, бу ерда бир оз қотайдим. Дўстлар, акалар орттирдим.

Карантин даврида ўғлини уйлантириб, тўйга чақиролмаган устозларимиздан бири собиқ ҳамкасбларни уйига йиғди. 15 чоғли одамнинг ҳеч бири журналда ишламаётган экан. Бу ҳақда ўйласам, ҳар доим, ҳар жойда омонат эканимиздан бир қайғурсам, бир хотиржам тортаман. Айтганча, ҳозирги иш жойим ҳақида.

«Vatanparvar» газетасида фаолиятимни бошлаганимга ўн йилга яқинлашди. Мен ҳарбий хизматдан

янги эра бошланди, деб ҳисоблайман. Эрамиздан аввалги ва кейинги йилларга бўлиб олганман. Гап 1 октябрь ҳақида кетар экан, таҳририятга мендан олдин ишга келган ҳар бир ходимни ҳақли равишда устозим, деб биламан. Хоҳ офицер, сержант, Қуролли Кучлар хизматчиси бўлсин, ниманидир ўргатган, сабоқ берган, хулоса чиқаришимга кўмаклашган.

Ҳар битта хизмат сафарини курсишига менгаш мумкин. Шунда хорижга чиқишлар, балки, илмий ишга тўғри келар. Чунки ҳарбий хизматчи сифатидаги сафарларнинг сабоғи кўп. Иссиғи билан ҳам, совуғи билан ҳам, ёмғири билан, қори билан ҳам, булутлар билан бўйлашган тоғларю чеки чегараси йўқ чўллари билан ҳам сизга дарс ўтади. Яна назарий машғулотларсиз амалиётни бошдан кечирасиз.

Қайд этиш жоизки, айрим мурабийлар меҳрибонликлари билан ёдда қолса, айримларининг ачиқ сабоқларини унутолмайсиз. Муҳими, ҳар иккиси ҳам сизни тарбиялайди. Ҳаёт муаллим эса, ҳеч шубҳасиз, ҳар кимнинг феълига яраша мукофоти ва жазосини улашиб кетаверади. Сиз эса булардан ҳам нималарнидир ўрганасиз.

Чуқур кетма, демасангиз, бу ҳаётда кимнингдир бахти ёки бахтсизлиги ҳам бир сабоқ бизга. Фақат улардан ўз ўрнида керакли хулосаларни чиқара олсан бўлган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг бир гапини турмуш ўртоғи Маъсума Аҳмедова кўп такрорлайди: «Кўнги-чанлик қотилликдан ёмон!»

Бу билан ҳар нарсага чалғимасдан ижодга кўпроқ куч, вақт ва меҳр беришга ундайди. Бот-бот куйинишлар бизга қанчалик таъсир қияпти, буни вақт кўрсатади.

Устозлар ҳақида гап кетганда, Самарқанд давлат университетига ўқишга кира олмай, абитуриентлик даврини қайта бошдан ўтказётган йилим акамнинг иши чиқиб қолганда ўрнига мактабга дарс ўтишга борганларимни эсламасликнинг иложи йўқ. Яқинлашаверсам, ҳовлида ўйнаб юрган болажонлар синфхонага югуришарди: «Малимнинг укаси келяпти».

Ўша пайтлари ўқитувчининг машаққатларини бир озгина ҳис қилганман. Бора-бора, кўпчилик орасидан ҳам кийинишидан, ўзини тутишидан муаллимларни ажратиб оладиган бўлдим. Худди ҳозир ҳар-

бий хизматчиларни қандай либосда бўлишидан қатъи назар, таниб олаётганимиздек.

Мавзу Ватан ҳимоячиларига бурилган экан, Қуролли Кучлар академияси, Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларга ҳар қанча тасанно айтсак кам. Улар тунни кунга улаб, замон билан ҳамнафас, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта шаклланган кадрларни тайёрлаш йўлида заҳмат чекмоқдалар.

Зеро, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригида «...ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган ислохотларни изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим», дея таъкидлаган эди.

Хизмат юзасидан олий ҳарбий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, офицерлар билан кўп суҳбатлашамиз. Уларнинг аксарияти қилаётган меҳнатларининг маҳсулини кўришаётганидан мамнун. Ўзим ҳам Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти (*ҳозирги Қуролли Кучлар академияси*)да офицерлар тайёрлаш курсидаги тахсил давомида курсантлик масъулиятини, ҳарбий таълим машаққатлари ва шарафини қисман ҳис қилганман. Устозликнинг мукофоти шоғирдларнинг ютуғида, муваффақиятида яширин, аслида.

Сизларга кўп ташаккур, азиз устозлар, биз бору будимиз билан меҳнатларингизнинг ҳаётдаги аксимиз.

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинглар!

Азиз НОРҚУЛОВ,
«Халқ таълими аълочиси»



Armiyamiz qahramonlari



ИРОДАЛИ КИНОЛОГ ОЛИМОВА

Бугун жамиятнинг қай бир жабҳасига назар солманг, унда илгор, интилувчан, жамоада ўз ўрни ва сўзига эга фаол аёлларни учратишингиз мумкин. Улар илмда, меҳнатда, умуман барча соҳада нималарга қодир эканликларини намоён этмоқдалар. Ана шундай ўзбек қизларидан бири Андижон фарзанди, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси кичик сержант Ирода Олимовадир.

ОТА САБОҒИ

Ўзбек оилаларида азалдан аёл кишига бўлган муносабат бошқача бўлган, яъни у – уй одами. Аксарият ота-оналар ҳозир ҳам қизларининг яхши рўзгор тутиши ва уй ишларида қўл-оёғи чаққон бўлишини етарли деб ҳисоблайди. Аммо Иродахоннинг дадаси қизидаги қобилиятни ўз вақтида пайқаб, уни олти ёшида қўлидан тутганча спорт тўғарага олиб боради. «Ҳеч қачон чекинма, сенга ишонаман», отамнинг шу гапи ҳар сафар мусобақаларга отланаётганимда қулоғим остида жаранглайди, дейди Ирода. Ҳа, инсонни тўғри йўлга йўналтира олиш, мақсадлари сари ишонч билан қадам ташлашига имконият яратиш, натижада эса муваффақият қозонишига аввало, унинг яқинлари сабабчи бўлади.

Ирода отасини мана шундай илиқ хотиралар билан эслайди. Эслайди? Ҳа, у ўн икки ёшида мана шундай суянч тоғидан айрилади. Аммо отасининг сабоқлари ўзи айтганидек, унинг бутун умрига татиғулик.

Ёшгина қизалоқ энг яқин инсонини йўқотса-да, «синиб» қолмади. У энгил атлетика машғулотларига бор куч-қуввати билан зўр берди. Натижада у ўн икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлади. 2012 йилдаги Осиё чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. Юртимиз байроғини кўкларга кўтаришни ният қилган қизалоқ учун бу ютуқлар ҳали бошланиши эди.

ИСМИГА МУНОСИБ ҚИЗ

Ҳарбий либос кийган инсонларнинг ҳар бирида касбга бўлган қизиқишнинг турлича



сабаблари бор. Кимдир фильмлар томошаси сабаб касбга меҳр қўйса, яна кимдир яқин инсонни эғнидаги ҳарбий кийимдан илҳомланади. Иродахоннинг ҳарбийликка бўлган қизиқиши эса унинг уйи ҳарбий қисмга яқин бўлгани, кўча-кўйда савлат тўкиб ўтиб-қайтган юрт посбонларига меҳри тушгани, ҳаваси ортгани билан боғлиқ.

– Қўшнилариимизнинг кўпчилиги ҳарбий оилалар эди, уларни кўриб қиз бола бўлсам-да, ҳарбий хизматчи бўлишни мақсад қилганман, – дейди Ирода Олимова.

Унинг бу касбни танламоқчи бўлганини эшитган бобо, буви ва тоғалари бошда қаттиқ қаршилик кўрсатишади. Ҳатто онаси ҳам қизининг фикридан бироз ранжиб, уни бу йўлдан қайтаришга уриниб кўради. Аммо у исмига муносиб иродали қиз, у ҳам бўш келмади. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ўтказилган бир қанча

мусобақаларда ғолибликни қўлга киритганидан сўнг орзуси рўёбга чиқади. 2021 йил Ирода Олимова ҳарбий хизматчилар сафидан жой олади.

«ЖУЛИ» БИЛАН ТАНИШУВ

Тошкент ҳарбий округи тасарруфидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган тажрибали кинолог кичик сержант Ирода Олимованинг миллий армиямиз сафидан муносиб ўрин эгаллаши осон бўлмади. У фаолиятининг дастлабки даврларида хизмат итлари билан муносабатга киришиб кетишда қатор қийинчиликларга дуч келди. Аммо устозларининг сабоғи, тинимсиз меҳнат, ўқиб-ўрганиш уни тоблади.

– Ҳар қандай ҳолатда ҳам юртимиз байроғини кўкларга кўтариш асосий мақсадим бўлган. Халқаро армия ўйинларининг «Содиқ дўст» мусобақасида илк бор 2021 йили иштирок этганман. Бу йўналишдаги мусобақага юр-

тимиз жамоаси айнан ўша йилдан бошлаб қўшилди. Тайёргарлик машғулотларини «Жули» лақабли хизмат ити билан бошладим. Уни биринчи марта кўрганим ҳеч қачон эсимдан чиқмаса керак. «Жули»ни «Дамас»дан туширишди. Қарасам, қулоқлари шалпайган ит турибди ва бу сенинг хизмат итинг, деб айтишганида жуда қувониб кетганман. Шундан сўнг бир неча ҳафта давомида фақат у билан дўстлашиб, унинг ишончига кириб, унга меҳр кўрсатишга, унинг энг яқин инсонига айланишга ҳаракат қилдим ва буни уддаладим ҳам, менимча. Мусобақага бир ой қолганида бу заифроқ, шунинг учун сизга бошқа хизмат ити берамиз, деб қолишди. Шундан сўнг «Жули»ни захирага олиб, унинг ўрнига «Гита» лақабли хизмат итини беришди.

Жазоирга бордик, ҳаво иссиқ бўлганлиги сабабли эркалар жамоасидаги хизмат итида муаммолар кўзга ташланди. Уларга «Жули» эмас, менинг қўлимдаги саккиз йиллик тажрибага эга «Гита» кераклигини айтишди. Шунда мен яна ўз «Жули»им билан қолдим. Ва шу йили «Жули» билан бирга ҳаётимдаги биринчи шахсий рекордимни ўрнатдим. Шунда тушундимки, сиз қачон ўз хизмат итингиз билан илиқ муносабатлар ўрната олар экансиз, ўшанда ярим ишингизни бажариб бўлган бўласиз.

ЯНГИ РЕКОРД

Ирода Олимова «Содиқ дўст» мусобақасининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. У ўтган йили Жазоирда ўтказилган ўйинларда АК-74 кичик калибрли спорт қуроли билан «Моҳир ўқчи» йўналишида нишонларни йўқ қилиш бўйича 14 уринишдан 132 балл йиғиб, ўз номини рекордчилар қаторига қўшиб қўйган эди. Бу йилги натижаларда эса рекордлар сони янада кўпайди. Жорий йилда «Содиқ дўст» мусобақасида кичик сержант Ирода Олимова «Дог биатлони: якка тартибда 2 400 метрга югуриш шартда 10 дақиқаю 13,8 сония натижа билан янги рекорд ўрнатди. Мазкур мусобақада қатнашган аёллар жамоаси жорий йил ҳисобида Ўзбекистон учун 5 та медални тақдим этди. Улардан 3 таси олтин, биттаси кумуш, биттаси бронза. Бу ўзбек ҳарбий қизларининг жаҳон майдонларидаги ютуқларидан бир шингил, холос.

Муаттар МЕЛИЕВА,
«Vatanparvar»



Tanlov

ТАРБИЯ ВА МАФКУРА ДУНЁСИ ОФИЦЕРЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Миллий армиямизнинг қудратли ва мукаммал бўлиб боришида бир неча омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Мудофаа тизимининг ана шундай қудратли устунларидан бири бу тарбиявий ва мафкуравий орган офицерларидир.

Бугунги замонавий урушларнинг кузатуви таҳлилдандан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳарбий хизматчидан барча жабҳада креатив ёндашувга эга бўлиш, ахборот уруши кетаётган вақтда парда ортидаги ҳақиқатларни кўра билиш талаб этилади. Бу эса онгимизни чеклаб турган кўринмас қобикни ёриб ўтиш демакдир. Хўш, бугун сафларимизда ана шундай кенг дунёқарашли, замоннинг шиддатли оқимини ҳис этаётган ҳарбий хизматчилар борми?

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинларидаги муҳим бўғин аъзолари ўртасида «Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери» танловининг 2-босқичи баҳонасида тарбия ва мафкура дунёси билан ишловчи офицерлар жамоаси билан яна бир бор юзма-юз бўлдик.

Жангда куч-қудрат ва замонавий қуролнинг ўрни бениҳоя юқори, албатта. Аммо ҳар қандай қурол



ҳам инсон омилсиз шунчаки бир парча металдан бўлак нарса эмас. Қуролни ва билак кучини бошқариш, уларни керакли нуқтага ўз вақтида бехато йўналтириш учун жангчининг ахлоқий-руҳий ҳолати мустаҳкам бўлиши, шунингдек, у ўзига ишонч, собит фикр ҳамда садоқат билан ҳам қуролланган бўлиши лозим.

Ана шундай сифатларга нафақат эга бўлиш, балки сафдошларининг ҳам мафкуравий дунёсини теранлаштириш йўлида хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар беллашувларга киришди.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг, жисмоний тайёргарлик синовлари ўтказилди. Турникда тортилиш, 100 метр ҳамда 3 километр масофага югуриш куч, тезлик ва матонатни белгилаб берувчи омиллардир. Шу каби машқларда иштирокчиларнинг мукаммал жисмоний тайёргарликка эга экани намоён бўлди. Бу муҳим жиҳат, аммо олдиндаги назарий билимлар синови ақлнинг кучини юзага олиб чиқади.

Тактик тайёргарлик ва топография каби фанлардан оғзаки баён этилган жанговар тартибдаги

элементларни харитага тушириш жараёнида офицерларнинг соҳага доир билимлари мукаммал эканига амин бўлдик, бу эса ўз устида яқка тартибда ишлаш маҳсулидир. Техник, отиш тайёргарлиги каби амалий машғулотларда ҳам хотиржам ва ишончли ҳаракатларини кузатиб, йигитларимизнинг замонавий билимга эга эканлиги, тайёргарликларини замон долғасига ҳамоҳанг олиб боришга интилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Минтақа ва дунёдаги кескин ҳарбий вазият ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали ҳар лаҳзада чексиз маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунинг ўзигина Ватан ҳимоясига бел боғлаган ҳар қандай инсонни сергак тортишга ундайди. Айниқса, у тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери бўлса. Зеро, қуролларнинг энг сермаҳсули ахборот бўлса, ҳужумларнинг асосий нишони онгдир.

«Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери» танловининг 2-босқичи якунида иштирокчилар билан эришилган ютуқ ва камчиликлар борасида мулоҳазалар юритдик. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тушунтириш ва йўналишлар кўрсатилди. Жараёнларда ўзини барча соҳада намунали эканини кўрсата олган офицерларни эътироф этиб, тақдирладик. Зеро, бу каби тадбирлар илғорларни руҳлантирса, бошқаларни ўз устида кучлироқ ишлашга ундайди.

Полковник Исроил СОБИРОВ,
Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ
қўшинлари қўмондони ўринбосари

Seminar

ТАШАББУСКОР КАДРЛАР – ТАРАҚҚИЙОТ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда қонун устуворлигини ҳамда қонунларнинг аниқ ва бир хилда bajarilishini таъминlashda har tomonlama yuksak, professional kadrlar muhim o'rin egallaydi.

О'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi organlarida xizmat qilayotgan yosh mutaxassislar ishtirokida tizimli ravishda o'quv amaliy seminarlar tashkil etish yaxshi an'anaga aylangan.

Shunday tadbirlarning amaliy davomi sifatida Farg'ona shahrida "Yuqori malakali va tashabbuskor kadrlar – taraqqiyot kafolati" mavzusida uch kunlik navbatdagi o'quv seminar o'tkazildi.



Seminarni Bosh prokuror o'rinbosari – O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurori general-mayor Sh. Uzakov videokonferensiya orqali ochib berdi. O'quv-amaliy seminar Farg'ona davlat universiteti professor-o'qituvchilari, viloyat prokuraturasi, ichki ishlar, Milliy gvardiya boshqarmalarining malakali xodimlari, Sharqiy harbiy округ qo'shinlari qo'mondonligi ofitserlari, turli yo'nalishlar bo'yicha kriminalist

ekspertlar o'z ma'ruzalari bilan ishtirok etdi.

Shuningdek, o'quv-amaliy mashg'ulotlar so'ngida yosh mutaxassislardan og'zaki sinov qabul qilindi, harbiy va jangovar tayyorgarliklar bo'yicha belgilangan me'yorlarni bajarishdi.

Adliya mayori Gulchehra TURSUNOVA,
O'zbekiston Respublikasi Harbiy
prokuraturasi bo'lim boshlig'i

Turmush chorrasi

Келди-кетди бироз тинди. Сардор дарвозанинг кўча тарафига қўйилган қатор курсилардан бирига ҳорғин чўқди. Бугун дадаси оламдан ўтганига уч кун бўляпти. Келди-кетди бироз камайди. Маъюслик билан ҳовлига, айвонларга боқди. Кўм-кўк аза кийимидаги онасига воқиб, баттар эзилди. Дадасидан кейин катта ҳовли ҳам ғаривлашиб қолгандек. Қия очиқ ошхона эшигидан кимнингдир ютоқиб овқатланаётганига кўзи тушди. Шаҳарда яшайдиган амакиси экан. Бориб ошхона эшигини зичлаб ёпди, бу манзарани кўришга тоқати йўқ эди. Келив жойига ўтирганидан кейин ҳам амакисининг овқатга эгилган боши, лаган ва оғиз ўртасидаги қўлларнинг илдам ҳаракати кўз ўнгидан кетмади. Уч кунки уни фақат дастурхон бошида кавшанив турганини кўрди. Майли, ҳар қанча еса еяверсин, дастурхон отасининг ҳурмати учун ёзилган.

Жўралари, маҳалла-қўй ёзган, талава йигитнинг қўлидан нима ҳам келарди. Амакиси эса... Унинг қорнидан ҳам бошқа ташвиши бормикан? Дадаси у учун нималар қилмаган эди? ...Ука б о ш и н и солинтириб, к ў з л а р и - дан шашқатор ёшларини оқи- зиб, муаммосини сўзларди. – Диплом ишимни ҳимоя қилолмайман бу йил. Келинингиз савдо қиламан, деб мени катта пулга туширди. Бир ҳафта ичи пулни топиб бермасам, мени қайта кўрмайсизлар... Болам етим қоладиган бўлди... – Кўз ёшингни йиғиштир, мен тирикман ҳали, – укасига жони ачиди аканинг. – Қанча қарз бўлиб қолдинглар? Кимдан қарз олган?

– Уларни танимайсиз, ё боланг, ё ўзинг, деб шарт қўйишган... катта пул...

Аканинг ранги оқарди. Устачилиқдан бир йиллик даромади-ку?! – Биринчи ишни ҳам шунча катта пул билан бошлайсизми? Келин умрида савдонинг кўчасидан ҳам ўтмаган бўлса?

– Нима қилай, ҳол-жонимга қўймади ахир.

– Бир оғиз маслаҳатлашсанг бўлар эди.

– Шундай дейишингизни билар эдим. Майли, нима бўлса бўлар, ўлдиришса ўлдиришсин. Ҳеч бўлмаса, сизнинг жонингиз ачир, деб ўйлабман, умид билан келувдим. Кимнинг олдига бораман бошқа, кимларга сарғаяман, кекса онамга ялинаманми яна?

– Онамизни тинч қўй энди, кексайиб қолди. Шусиз ҳам пенсиясини сенга илинади. Бирор марта йўқ демасдан оласан. Ўзининг ҳам эҳтиёжлари бордир.

– Қари одамда қанақа эҳтиёж бўларди ёки сизга беришини хоҳлаясизми?

– Эсимни таниганимдан бери онамга оғирлигимни туширмасдан келаман. Етимлигимизни билдирмай катта қилгани ҳам етарли. Аммо сенинг муаммоларинг ҳеч тугамайди.

– Малол келаётган бўлсам, қутулишларингизга оз қолди, – яна оби-дийдасини бошлади ука.



– Бўпти, ошна-оғайнилардан илтимос қиламан, шароитни тушунтираман, йўқ дейишмас... Овқат ҳам тайёр бўлибди, бор, бет-қўлингни ювиб кел.

Ўшанда ҳам амакиси паловни паққос туширган эди. Дадаси зимдан назар солиб ўтирган, ўзи бир чўқим ҳам палов емаган эди. Шу қадар иштаха билан овқатланган эдики, ҳозиргина оби-дийда қилган одамга умуман ўхшамасди.

Дадаси дўстларидан қарз олди. Эвазига бир йил бир неча хонадонда текин устачилик қилди. Эсида, уйларида нон ҳам тортилиб қолган эди...

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, келинойиси ясан-тусан қилиб келган. Ҳаммалари йиғилиб, дастурхон атрофида ўтирганларида дадаси чидолмай танбеҳ берган:

– Шу кунингизга ясан-тусан ярашадими? Болангиз катта бўлиб қолди, боғчага бериб, ишласангиз бўлади-ку?! Ҳамма оғирликни талаба эрингизга ташлаб қўявермасдан...

Келинойиси ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Ака, нималар деяпсиз, беш йил деганда эгнимга янги кийим кийдим. Шаҳарга кўчиб борган кунимизнинг эртасидан ишлай бошлаганман, ўқишимни кечкига кўчириб. Кимга оғирлигимни ташладим? Укангиз-ку, бир жойда қўнимсиз, қорнидан бошқа ташвиши йўқ...

– Агар савдо қиламан, деб уни қарздор қилмаганингизда эди, унинг ҳам топганлари баракали бўлар эди.

– Қандай савдо, умримда бунақа ишга қўл урмаганман... Укангизнинг навбатдаги ёлғон-яшиқлари бўлса керак. Жуда чарчадим шу ёлғонлардан, тўйдим. Онангизга раҳмим келганидан индамасдим. Ортиқ жим юрмоқчи эмасман. Яна бир имкониятга розиман, яхшими, ёмонми, боламнинг отаси. Ўнгланмаса, ажрашаман...

Ўшанда дадаси жуда мулзам бўлиб қолган. Келинидан қайта-қайта кечирим сўраган, укасининг оиласи унинг аччиқ-тизиқ гаплари билан бузилиб кетишидан жуда хавотир олган эди.

Амакиси ҳамма гапдан хабар топгач, қишлоққа келмай қўйди. Онаси унга интиқ бўлавергач, ўтган ишга салавот, деб ака ўзи катта шаҳарга ука ортидан борди.

Ука акасига мурувват кўрсатгандек келив-кетар, ҳеч қачон йўлқирани ўзи тўламас, ё онаси, ё акаси тўларди. Ака бағрикенг эди, ёлғон-яшиқ сўхбатларини жим тинглар, қаршисида ўйга ботиб қолар эди баъзан. Фақат бир марта қаттиқроқ гапирди. Онаси оламдан ўтганида касаллигини баҳона қилиб келмаганида...

– Сен шунчаки сўнги кунларидан ёнида бўлсанг етар эди, – деди овози титраб. – Шўрлик онам сенинг дардинг билан яшади, ёлғонларингдан уялиб, дугоналарига қўшилмасди. Топганини сенга илинди. Шунда ҳам сенга бирор марта таъна қилмаган. Қорли-қировли кунларда менга ишонмасдан сени мактабга ўзи опичиб олиб борарди. Ўша кунларнинг ҳурмати учун ҳам келсан бўлар эди-ку?! Ўқияпман деб пенсиясини тийин-тийингача қоқлаб олдинг, ўқишинг ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Бирорта рост ишинг ҳам борми? Келин сени тарк этиб, тўғри қилган, менимча.

– Касал эдим, касал бўлмагансиз-да, жонингиз ҳеч оғриманган, ўшанинг учун мени тушунмайсиз. Ўқишимда адолатсизлик қилишган... Хотинимдан ўзим воз кечганман. Менга шу яшашим маъқул.

– Иштаханг касал одамни кимга ўхшамасди, қўшнилاردан уялдим. Бироз нафсингни тийсанг, ўлиб қолмасдинг. Сен кимга ўхшадинг, тавба, насиҳат ҳам ҳайф.

«Касал бўлмагансиз...» Ўшанда ҳам дадаси хаста эди. Ука ўзини ёлғондан касалга солиб юрганида у бедаво дард билан олишарди. Сардор дадасини Тошкентга олиб келди. Сурункали буйрак етишмовчилиги дейишди. У дадаси учун битта буйрагини беришга рози эди, аммо бемор бу оғир операцияга бардош беролмайди, деди шифокорлар. Яна умидсизлик тўла қоронғи кунлар бошланди. Зудлик билан қон қуйиш керак бўлди. Йигит зир югуриб, донор қидирди, арзонроғи бормикан? Дўстлари ёрдамга келди. Уларнинг қони тўғри келмади. Наҳот излаб, амакисининг олдига борди...

– Ҳа-аа, касаллик мана шундай бўлади, чоптиради у кўчадан бу кўчага, – дея амаки ярим соат миннат қилди. – Жигарчилик, бораман-да, бепул қон беришга. Пул берадиган бўлганинда эсингга ҳам келмасидим...

Сардор тишини тишига босди. Дадаси учун унинг дийдиёларини тинглашга мажбур эди.

– Амаки, шошилмасак бўлмайди. – Тузукроқ овқатланганим йўқ эди, қон топширгандан кейин қандай аҳволга тушаман ҳали, Худо билади.

Ука қон топширди, юз миннат-ла. Сўнг кўнгли жигар кабоб тилади.

– Бошим айланяпти, бақувватроқ овқат олиб бер, тезроқ емасам бўлмайди, – деди ранг-рўйи бир аҳволда, кўзлари киртайиб қолган жиянига қараб.

Сардор унга тўрт дона кабоб олди. Амакининг қути ўчди:

– Бу нима бўлади? Ол, яна тўрт дона!

У бор пулини кабоб учун тўлади. Дадасини уйга олиб кетиш учун пул керак эди. Бугун қаердан бўлса ҳам бир-икки кунлик иш топиши зарур. Амаки ўзини кабобга урган пайт у шу хаёлда йўлга чиқди. Катта йўл ёқасида сўнги марта ортига ўгирилиб, ошхона столига мук тушган амакисига қаради ва хаёлидан шу ўй кечди: «Наҳотки, шу оч мавжудот дадамнинг жон жигари бўлса?!»

Сардорнинг оғир хаёлларини «акажон» деган овоз ҳар томонга тўздириб юборди. Қаршисида укаси Жўрабек бир пиёла чой кўтариб турарди.

– Акажон, неча кундан бери туз тотмаяпсиз, чарчаб кетдингиз, шу ширин чойни ичиб олинг, ўзи икки ютумгина, олинг, ичинг, ичинг, – укаси боланинг оғзига тутгандек акасига чой тутарди.

Сардор укасининг қўлидан илиқ тотли чойни ичар экан, ихтиёрсиз кўзларидан қайноқ ёшлари оқди ва укасини бағрига олиб, унинг елкасига юзини босди ва пичирлади: «Сенинг борлигинг қанчалар яхши-я, укажон!»

Инобат НОДИРШОҲ

Xotira

ILMGA BAXSHIDA UMR

O'zbekiston Qurolli Kuchlari davlat muzeyida zaxiradagi podpolkovnik, akademik marhum Bo'riboy Ahmedovning xotirasiga bag'ishlangan tadbir bo'lib o'tdi. Unda akademikning farzandlari, do'stlari, shogirdlari, tarixchi olimlar, harbiy xizmatchilar va o'quvchilar ishtirok etdi.



Muallif suratiga olgan

Tadbirda so'z olganlar Bo'riboy Ahmedovning ijodi va faoliyatiga oid xotiralari bilan o'rtoqlashdi.

Sevimli shoirimiz Shuhratning to'rtligida shunday satrlar bor:

*Daraxt ekdim,
soya solganda,
Balki, hayot
bo'lmasman o'zim.
Do'stlar kelib,
hordiq olganda,
Har yaproqdan
termilar ko'zim.*

– Har sohaning ulug'lari singari Bo'riboy Ahmedov ham O'zbekiston tarixida juda ulkan serhosil daraxt ekib ketganki, uning hosili millionlab shogirdlarga dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda, – deydi O'zbekiston xalq artisti Hojiakbar Hamidov. – Aslida bunday xotira tadbirlari ibrat maktabi hisoblanadi. Tashrif buyurgan yoshlar uchun bugungi qahramonimizning hayot yo'li vatanparvarlik va fidoyilikning haqiqiy namunasidir. Ikkinchi jahon urushida olgan 10 dan ortiq jarohatlari bilan bir umr kurashgan bo'lishiga qaramay, Bo'riboy Ahmedov o'zini ilmga bag'ishladi. Vatanimiz tarixini qayta jonlantirish yo'lida fidokorona mehnat qildi. O'zbekiston Fanlar akademiyasining akademigi darajasiga yetib borguniga qadar qanchadan-qancha bedor tunlarni boshidan o'tkazdi. Aslida, mana shuning o'zi haqiqiy vatanparvarlik!

Bo'riboy Ahmedov 1924-yil 12-avgust kuni Andijon viloyatining Qo'rg'on tepa tumanida tavallud topgan. O'rta Osiyo universitetining Sharq fakultetini 1953-yilda bitirgan. Uzoq yillik faoliyati davomida ilmiy unvonlarga erishdi. 1974-yilda tarix fanlari doktori, 1989-yil O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, 1995-yildan O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi ilmiy darajasigacha yetdi.



Bo'riboy Ahmedovning ilmiy faoliyati o'zbek xalqining etnik tarixi va shakllanishi, manbashunoslik, Temur va Temuriylar davri tarixi hamda madaniyati kabi muhim yo'nalishlarga qaratilgan. Bir qancha qo'llanma, lug'atlar muallifi. Amir Temurning 660 yilligi munosabati bilan katta tashkiliy, ilmiy ishlar olib bordi. "Amir Temur" tarixiy romanini yozdi. Uning fidokorona xizmatlari munosib taqdirlanib, Beruniy nomidagi O'zbekiston davlat mukofoti laureati, "Amir Temur", "Buyuk xizmatlari uchun" ordenlari bilan taqdirlandi.

Sherzod SHARIPOV,
"Vatanparvar"

Musobaqa

SPORTCHILARIMIZ RAKETAMODELDA HAM TENGSIZ

Joriy yilning 16-23 sentabr kunlari Qozog'iston Respublikasining Baykonur shahrida raketamodel sporti bo'yicha "Baykonur kubogi – 2022" xalqaro sport musobaqasi bo'lib o'tdi.



Qozog'iston, O'zbekiston, Rossiya, Qirg'iz va Belarus Respublikalaridan 200 nafarga yaqin sportchi ishtirok etgan ushbu nufuzli musobaqada O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti sportchilaridan iborat milliy terma jamoa mamlakatimiz sha'nini munosib himoya qildi.

Shiddatli va murosasiz kechgan bellashuvlarda sportchilar o'zlari tomonidan yaratilgan raketa modellari va ularning ochiq osmonda parvoz qilish imkoniyatlariga ega ekanligini namoyon etdi. Musobaqa natijalariga ko'ra, O'zbekiston terma jamoasi

1-o'rinni qo'lga kiritib, nafaqat hamyurtlarimizning, balki tadbirni qiziqish bilan kuzatib borgan butun dunyo raketamodel sporti ixlosmandlari olqishlariga ham sazovor bo'ldi.

Shuningdek, yakka bahslarda "Vatanparvar" tashkiloti sportchilari quyidagi yuqori o'rinlarni egalladilar:

1. Najmiddin Zaylidinov: oltin va bronza medallari (Namangan v.).

2. Farhod Bakiyev: oltin medal (Samarqand v.).

3. Hayotbek Qurbonaliyev: kumush medal (Namangan v.).

4. Firdavs Gulmurodov: kumush medal (Buxoro v.).

5. Samandar Soqiyev: bronza medal (Namangan v.).

Eslatib o'tamiz, "Vatanparvar" tashkiloti bir qator xalqaro sport tashkilotlari, jumladan, Xalqaro aeronavtika federatsiyasi (FAI)ning to'la huquqli a'zosi hisoblanadi.

**Mudofaaga ko'maklashuvchi
"Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati**



Besh tashabbus

BILIM VA JISMONIY IMKONIYATLAR SINOV DAN O'TDI

Toshkent harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan Angren shahrida joylashgan harbiy qismlarning birida "Besh tashabbus" doirasida "Harbiy prokuror kubogi" sport tadbiri hamda harbiy xizmatchilarning oila a'zolari bandligini ta'minlash maqsadida bo'sh ish o'rinlari mehnat yarmarkasi o'tkazildi.



Tadbirda Yoshlar ishlari agentligi va Xalq ta'limi Toshkent viloyati boshqarmalari, Angren shahri hokimligi, mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" va boshqa mutasaddi tashkilot vakillari, shuningdek, Ohangaron va Olmaliq tumanlaridan kelgan jami 200 nafardan ziyod 9-11-sinf o'quvchilari va uyushmagan yoshlar ishtirok etdi.

Yoshlar sportning shaxmat-shashka, mini futbol, arqon tortish, milliy kurash, harbiy estafeta, turnikda tortilish musobaqalari

hamda rassomchilik, eng yaxshi kitobxon tanlovlari o'z bilim va jismoniy imkoniyatlarini sinovdan o'tkazishdi.

Tanlov va sport musobaqalarida faol ishtirok etgan o'quvchi va uyushmagan yoshlarga kubok, diplom hamda qimmatbaho sovg'alar va kitoblar jamlanmasi topshirildi.

**Adliya podpolkovnigi
Alisher QURBONOV,**
Toshkent harbiy prokurorining
yordamchisi

ТРАНСНАЦИОНАЛЬНАЯ КОРПОРАЦИЯ



Один из знаменитых мировых производителей вооружений и военной техники (ВВТ), крупнейшее итальянское военно-промышленное объединение – корпорация «Леонардо» является правопреемницей транснациональной корпорации (ТНК) «Финмекканика». Корпорация имеет разветвленную сеть дочерних компаний и предприятий прямого подчинения во многих зарубежных странах. В частности, офисы и представительства корпорации размещены в десяти странах (в том числе и в США), дочерние и совместные компании – в 20 европейских странах, в США и Канаде, в четырех странах Латинской Америки, в шести азиатских, Австралии и в двух странах Ближнего Востока. Наибольшее количество представительств и предприятий находится в Италии (94), США (56) и Великобритании (29). Всего ТНК «Леонардо» имеет в собственности 154 компании.

Общая численность занятых в корпорации составляет более 45 тысяч человек. Из них в Италии работают 63 процента, Великобритании – 14, США – 13, Польше около 5 процентов. Далее по количеству занятых располагаются Франция, Австралия, Канада, Германия, Индия (от 200 до 600 человек).

«Леонардо» принадлежит к числу ведущих европейских корпораций и отличается высокой степенью диверсификации деятельности. В последние годы объем ее продаж составляет более 12 млрд евро. При этом на долю продукции военного назначения приходится около 80 процентов, а в ее составе преобладают авиационная, радиоэлектронная и космическая техника. К другим важным сферам деятельности корпорации относятся такие гражданские отрасли промышленности, как транспорт и энергетика.

В 1999–2000 годах корпорация заключила несколько международных соглашений, которые имели решающее значение для ее дальнейшего развития. В частности, на их основе была создана совместная компания «Агуста-Уэстленд», ставшая вторым по величине производителем вертолетов в мире.

С 2001 года стратегия развития корпорации была сосредоточена на ракетно-космической, авиационной и радиотехнической отраслях военной промышленности. После полного приобретения компаний «Алениа Маркони системз» и «Агуста-Уэстленд» в 2004–2005 годах корпорация стала третьей в Европе по финансовому обороту в военно-промышленном секторе.

В 2016 году в «Леонардо» были созданы четыре военных сектора – вертолеты; авиация; электроника,

системы обороны и безопасности; космос. Эти секторы объединяют семь дивизионов, отвечающих за деятельность дочерних компаний и их предприятий как на территории Италии, так и за рубежом.

Сектор «Вертолеты» состоит из одного дивизиона, предназначенного для управления разработками и производством боевых, многоцелевых и транспортных вертолетов, конвертопланов, беспилотных летательных аппаратов (БЛА) вертолетного типа и тренажеров. Ему подчинены дочерние компании и производственные предприятия из состава компании «Агуста-Уэстленд», производящие вертолеты NH-90, «Супер Линкс-300», AW-159, AW-101.

Сектор «Авиация» включает два дивизиона – «Самолеты» и «Компоненты самолетов». Первый из них отвечает за разработку и производство боевых, патрульных, военно-транспортных самолетов, БЛА самолетного типа, учебно-тренировочных и региональных самолетов гражданской авиации. Ему подчинены дочерние компании и производственные предприятия из состава компании «Алениа-Аэромакки», производящие тактические истребители «Тайфун», F-35 «Лайтнинг-2», военно-транспортные самолеты C-27J, MC-27J, патрульные ATR-42MP, ATR-72MP, учебно-боевые M-346FA и учебно-тренировочные самолеты M-345, M346, беспилотные летательные аппараты SKY-Y. Дивизион «Компоненты самолетов» занимается производством компонентов для фюзеляжей и гондол авиационных двигателей гражданских самолетов по совместным программам с компаниями «Боинг» и «Эрбас».

Наиболее крупным является сектор «Электроника, системы обороны и безопасности», в составе которого имеются четыре дивизиона: «Авиационные и космические системы» (космические системы и спутники; авиационные и космические бортовые РЛС; системы авионики; авиационные системы наблюдения, целеуказания и наведения оружия; средства РЭБ; оборудование для БЛА); «Электронные системы сухопутной и морской обороны»

(бортовые системы управления; системы наблюдения, целеуказания и наведения оружия; системы связи для сухопутных войск и военно-морских сил); «Оборонительные системы» (авиационное вооружение; боевые бронированные машины (ББМ); артсистемы; артиллерийское вооружение для боевых кораблей; боеприпасы, торпеды); «Информационные системы и системы безопасности» (системы автоматизированного управления; контроля воздушного движения; кибербезопасности и защиты инфраструктуры).

К значимым образцам ВВТ, производимым предприятиями этого сектора, относятся обитаемые и необитаемые башни для ББМ «Хитроул Лайт» с 7,62- или 12,7-мм пулеметом либо 40-мм гранатометом, 155-мм самоходные гаубицы PzH-2000, 20-мм автоматические пушки «Гатлинг» и 7,62-мм пулеметы «Хелиборн» для установки на вертолеты, корабельные артиллерийские комплексы 127/64LW «Вулкан», 76/62 «Супер Репид», корабельные башни «Фоти Лайт» с 40-мм пушкой, «Хитроул» с 12,7-мм пулеметом, управляемые боеприпасы «Дарт» и «Вулкан», универсальные, противолодочные и малогабаритные торпеды различного класса, БЛА «Хелистарк» (вертолетного типа), «Хорус» и «Ибис» (легкие разведывательные), акустические системы и видеосистемы разного типа, наземные разведывательные роботы TRP2-FOB, TRP2-HD и TRP3-NEC, «В-Филес» (подводный) и другие.

Следует отметить, что ТНК «Леонардо» в результате реорганизации холдинга «Финмекканика» стала крупнейшей военно-промышленной корпорацией в Италии и одной из ведущих в Европе. Руководство ТНК проводит активную политику по расширению сотрудничества с ведущими мировыми компаниями. Номенклатура выпускаемой ею продукции охватывает практически все отрасли военной и гражданской промышленности.

Ma'naviyat

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида жойлашган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейида «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» шиори остида маънавий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилфуза Раҳимова ҳамда Сурхондарё вилояти Маънавият ва маърифат маркази ходимлари иштирок этган мазкур тадбир давомида меҳмонлар дастлаб таълим масканида ўқувчи-ёшлар учун яратилган шарт-ша-

лаборатория, Амир Темур ва Жалоллидин Мангуберди, маънавият ва маърифат, «Заковат», ёшлар ҳамда мустақил тайёргарлик хоналарини айланиб, уларнинг имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

Айниқса, лицейнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ҳамда фан-таълим йўналишидаги босма ва электрон адабиётларни ўзида жамлаган ахборот-ресурс маркази ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирди. Бу ерда кечган суҳбат давомида инсоннинг шахс сифатида камол топиши ва маънавий оламининг бойишида китобнинг ўрни

тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ҳамда ижодий салоҳиятларини янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

– Бугун ёшларга қаратилаётган эътибор, айниқса, уларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ жараёнларга менинг жуда ҳавасим келади, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова. – Чунки биз ўқиган вақтда бундай шароитлар йўқ эди. Бугун лицей ўқувчилари билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг зехни, тиришқоқлигини кўриб, қувончим янада ортди. Барчасининг кўзлари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ



роитлар, ҳарбий-касбий таълим йўналиши бўйича назарий ва амалий билим бериш учун турли фанлар ҳамда ахборот технологиялари бўйича ўқув синфлари, тўгараклар,

бекиёс экани, шу боис китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Шундан сўнг ҳарбий-академик лицейнинг фаоллар залида тадбирнинг асосий қисми бошланди. Маънавият вакиллари, лицей устоз ва мураббийлари ҳамда ўқувчи-ёшлари жам бўлган учрашув давомида Янги Ўзбекистон ғоясининг мазмун-моҳияти, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2022–2026 йиллар учун мўлжалланган Тараққиёт стратегиясидаги вазифалар, шунингдек, ўз юртини ҳимоя қилиш ҳар бир эр йигитнинг муқаддас бурчи экани хусусида сўз юритилди.

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейида яратилган шарт-шароитлар ҳам ана шу вазифаларнинг ижроси сифатида ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида

ёниб турибди. Эгниларидаги ҳарбий либос ўзларига жуда ҳам ярашган. Авваллари ёшларни ҳарбийликка босқичма-босқич тайёрлаб боровчи бундай таълим тизими мавжуд эмасди. Ишонаманки, бу ўғлонлар яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида ота-оналарининг юзларини ёруғ қиладиган, давлатимиз чегаралари мустаҳкамлигини таъминловчи асл ватанпарварлар бўлиб етишадилар.

Учрашув давомида ўқувчи-ёшлар ижод вакилларининг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар. Шундан сўнг меҳмонлар томонидан юртга садоқат, ватанпарварлик ва меҳр-оқибат туйғуларини тараннум этувчи шеърлару куй-қўшиқлар ижро этилиб, барчага кўтаринки кайфият улашилди.

Майор Фариди БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари

E'ZOS

Мамлакатимизда 1997 йилдан буён 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келинади. Бу устозларга билдирилган эъзоз ва эътибор намунасидир. Айни фурсатда юртимиз бўйлаб устозларни шарафловчи маънавий-маърифий байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мана шундай байрам тадбирларидан бири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида ўтказилди.

«Сизларга ҳурмат, сизларга таъзим, қадрли устозлар» дея номланган маънавий-маърифий тадбирда давлат ва жамоат ташкилотларидан, ҳарбий қисм ва муассасалардан, таълим даргоҳларидан меҳмонлар ташриф буюрди. Байрам тадбирида дастлаб сўз олган Қуролли Кучлар давлат музейи бошлиғи истеъфодаги полковник Мусаллим Нуриддинов айём иштирокчиларини, даврага кўрк бағишлаб турган устозларни эзгу тилаклар ила муборакбод этди.

ФИДОЙИ ЗОТЛАРГА ТАЪЗИМ



Ўзбекистон Республикаси биринчи мудофаа вазири генерал-полковник Рустам Аҳмедов барчани айём билан қутлаган ҳолда, вазирилик тизимида устозларга билдирилаётган ҳурмат ва эътибор учун миннатдорлик изҳор этди. Ёшларга устозлик тилакларини билдирди.

Тадбирда иштирок этган профессор, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ҳожиакбар Ҳамидов устозларга аталган байрам табригини нафақат сўз билан, балки барча қутган жонли гўзал қўшиқлар ила тақдим этди.

Байрам тадбирида сўз олган Музаффар Аҳмедов, Илҳомжон Эгамбердиев, Анвар Хонимкулов, Шохиста Эгамбердиева, Санобар Казакова, Искандар Ҳаётов, Мудофаа вазирилик Фаҳрийлар марказий кенгаши аъзолари байрамона дил изҳорларини билдиришди. Тошкент давлат педагогика университети талабалари ҳамда мактабгача таълим ташкилотининг жажжи болажонлари ўз бадий чикишлари билан олқишларга сазовор бўлишди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг куй-қўшиқлари даврага ўзгача файз киритди. Тадбир сўнгида байрам иштирокчилари Қуролли Кучлар давлат музейи бўйлаб экскурсияга таклиф этилди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



BOLAJON



DUGONALAR



E'zoza bilan Dilfuza bolalikdan dugona. Ular yon qo'shni, har kuni ko'chada birga o'ynashadi. Biroq E'zozaning o'qishi

pasayib ketgani sabab ota-onasi ko'chaga chiqishiga ruxsat bermay qo'ydi. Ko'p vaqtini dars tayyorlashga sarfladi. Baholarini to'g'rilash uchun o'qishiga jiddiy e'tibor berdi.

– E'zoza, yur, birga o'ynaymiz! – shu orada chaqirib keldi Dilfuza.

– Dugonajon, ikkimizning ham baholarimiz pasayib ketgan. Kel, avval baholarimizni to'g'rilab olaylik, keyin o'ynayveramiz! Uyga berilgan topshiriqlarni ham o'z vaqtida bajaramiz.

– Mayli, o'ynagani chiqmasang, chiqma! – arazladi Dilfuza. – O'zim o'ynayveraman!

Shu orada ularning yon tomoniga yangi qo'shni ko'chib keldi. Ularning E'zoza tengqur qizi ham bor edi. Uni dugonasi Dilfuza bilan birga o'ynayotganini ko'rib, rosa tanishgisi keldi. Lekin nailoj, ertasi kuni matematika fanidan bo'ladigan nazorat ishini o'ylab, yana dars qilishga o'tirdi.



Mana, nazorat ishi boshlandi. E'zozaga misollar juda oson tuyuldi. Axir u tayyorlangandida. Ammo dugonasi Dilfuza

qiynaldi. Natijalar chiqdi. E'zoza besh baho oldi, Dilfuza esa zo'rg'a uch. Barcha fanlardan a'lochilar safiga qo'shilgan E'zoza xursand bo'lib ketdi va ko'zi dugonasiga tushdi. U yig'lab yuborgudek juda g'amgin edi. E'zoza unga taskin bermoqchi bo'lib, yoniga yaqinlashdi. Biroq Dilfuza uni turtib yubordi...

E'zozaning ota-onasi o'qishi yaxshilanganidan so'ng dars qilishini unutmagan holda ko'chaga chiqib o'ynashiga ruxsat berdi. U shodligini yashira olmay ko'chaga otildi. Qarasa, dugonasi Dilfuza yangi qo'shni qiz bilan birga o'ynayapti. E'zoza kayfiyati chog' ularning yoniga bordi. Kutilmaganda Dilfuza uni itarib tashladi. E'zoza dugonasidan ranjib, bir chekkaga borib, yig'lab yubordi. Shunda qo'shni qiz kelib, uning qo'lidan ushladi.

– Mening ismim Muslima, – dedi mayin jilmayib.

E'zoza boshini ko'tarib, ko'z yoshini artdi.

– Meniki E'zoza.

– Tanishganimdan xursandman, yur, birga o'ynaymiz!

– Mayli, – yuziga tabassum yugurdi E'zozaning ham.

Ular birga o'ynay boshlashdi. Dilfuza esa yomon fe'l-atvori sabab yer chizganча dugonalariga yaqinlasha o'lmadi. U o'zining nohaq ekanini anglab yetgandi. Shunda ikkala qizaloq borib, uni ham davralariga taklif qildi. Dilfuza E'zozadan kechirim so'radi. Uch dugona qalin do'st bo'lib qolishdi. Ular hozir ancha ulg'ayib qolishgan.

Diyora FAXRUTDINOVA,

Toshkent shahri Mirzo Ulug'bek tumani
241-umumta'lim maktabining 8-sinf o'quvchisi

MUALLIMA

(hikoya)



Uning sinfiga yangi bola qo'shilibdi. Muallima yo'qlamani boshladi. Ro'yxat adog'idagi ism-sharifni o'qidi: Hasanov Aziz Jamshid o'g'li. Orqa qatordan eshitilar-eshitilmas "men" degan sas keldi. Ayol bir lahza unga o'tkir nigohlarini qadadi. Bolalariga, to'g'rirog'i, o'sha... o'sha erkakkagina xos qadrdon belgilarni uning yuz-ko'zlaridan izladi. Yo'q-yo'q, bu bola uniki emas, ammo mardlik qilib o'z familiyasini beribdi, o'z bolalaridan kechib, begona ayolning bolasiga otalikni zimmasiga olibdi. Begona ayol emas, sevgili ayol, begona endi menman-ku...

Muallima o'zini qo'lga oldi va boladan so'radi:

– Nega partani ostiga kirib ketgudek bo'lyapsan, biror yering og'riyaptimi?

Bola boshini ko'tarmasdan "yo'q" ishorasini qildi.

– Ustoz, u sizdan qo'rquyapti, – dedi yonida o'tirgan Abror mahmadona tap tortmasdan.

– Nega? O'quvchi muallimasidan qo'rqqmasligi kerak.

– Chunki u... u...

– Xotirjam bo'l, Abrorjon, men hammani yaxshi taniyman!

Dars oxirida muallima Azizni to'xtatib, yoniga chaqirdi. Bola eshikka qaray-qaray arang yaqinlashdi, ko'zlarida qo'rquv to'la edi. Ayol uning titroq qo'lchalarini qo'lga oldi va jilmaydi:

– Rosa yong'oq yig'iribsan-da, men ham yong'oq yig'irishni yoqtiraman.

Go'dak ko'zlaridan qo'rquv arib, hayrat paydo bo'ldi. Nimadir demoqchi bo'lib ustoziga termildi, ayol ko'zlaridagi anglamsiz yolqinni ko'rib, jim qoldi.

– Aziz, sen kattalarning gaplariga parvo qilma. Ular muammolarini o'zlari hal qilsin. Kichkinalar ularning xatolari uchun javob bermaydi. Sen mening o'quvchimsan, sinfdoshlaring kabi seni ham yaxshi ko'raman. Endi boraqol, uyda dars qilishni unutma, qiynalsang, oldimga kel, yordamlashaman.

Bolaning ko'zlari porladi. Stulda omonat o'tirgan ustozini quchdi, ayol ham uni bag'riga bosdi.

– Xayr, ustoz, – bolaning ovozi shodon jarangladi.

Ayol ochiq derazadan o'rtoqlarining ortidan yelib ketayotgan bolani mehr bilan kuzatib jilmaydi va kitob-daftarlarini yig'ishtirishga tutindi.

Oqshom ona o'g'lini gapga tutdi. – Yangi maktab qanday ekan? Alvasti ustozing-chi, senga ming'illagani yo'qmi?

– Maktab kabi maktab. Ustoz hech qanaqa alvasti emas. Ular hammadan chiroyli va yaxshilar. Bola shunday deb bir hovuch yong'oqni sumkasiga solib qo'ydi va onasiga qarab, so'ramasa ham "Ustozimga!", dedi.

Ona-bolani jim tinglayotgan erkak yonboshlab yotgan joyidan indamay turib, tashqariga chiqib ketdi.

Inobat NODIRSHOH



7 TA FARQNI TOPING!



Agar gapirmaganingga bir marta afsuslansang, sukut saqlamaganingdan yuz bor nadomat chekasan.

Lev TOLSTOY

IKKI PIYOLA SUV

Qadim zamonda boyligi bilan maqtanuvchi hukmdor bo'lgan edi. U qayerga bormasin, xazinasidan bir qism olib, uni boshqalarga ko'z-ko'z qilar edi. Bir kuni u eng ishongan olim do'stiga shunday savol berdi:

– Sen olimlar ichra mashhur va donosan. Men sening fikringni bilmoqchiman. Mening hukmdorligim va davlatim haqida nima deya olasan?

Olim javob berishning yo'lini topdi va hukmdorga shunday dedi:

– Faraz qilaylik, siz bepoyon va jazirama cho'lining qoq o'rtasida turibsiz. Shu payt tomog'ingiz qaqrab, nihoyatda chanqadingiz. Ammo yashab qolish uchun yarim davlatingiz evaziga sizga bir piyola suv uzatildi. Siz bunga rozi bo'larmidingiz?

– Albatta, rozi bo'lardim.

– Ancha vaqt o'tdi. Chanqoq kuchaydi. Qolgan davlatingiz evaziga sizga yana bir piyola suv taklif qilindi. Siz bunga ham rozi bo'larmidingiz?

Hukmdor bir oz o'ylandi va noiloj:

– O'lmay qolish uchun men davlatimning qolganini ham berishga majburman, – dedi. Shunda olim miyig'ida kulib:

– Demak, g'ururlanishga hojat yo'q, hukmdor. Sizdagi boylikning bahosi bor yo'g'i ikki piyola suv ekan, – dedi.

“Sirli, ibratli va hayotiy voqealar”
kitobidan olindi.

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

O'QITUVCHI VA MURABBIYLAR KUNI:

TURLI MAMLAKATLARNING QIZIQARLI AN'ANALARI

O'qituvchi va murabbiylar kuni dunyoning turli mamlakatlarida turlicha nishonlanadi. Aynan shu kuni bizning maktablarimiz chiroyli gullarga burkanadi. O'quvchilar, ularning ota-onalari farzandlariga ta'lim-tarbiya berayotgan o'qituvchilarga turli xil sovg'alar taqdim etadi. Xo'sh, bu an'ana dunyoda qanday? Quyida shular haqida bilib olishingiz mumkin.

nishonlanadi. Nemis o'qituvchilariga sovg'a berish odati mavjud emas. Agar bola o'qituvchisini yaxshi ko'rsa va sovg'a berish istagi bo'lsa, unga qandaydir qo'lda yasalgan narsa yoki o'zi chizgan suratlarini tuhfa qilishi mumkin.

bilan tabriklashlari mumkin. Yil boshida bolalar uchun qo'shimcha materiallarga pul beriladi. Bular bolalar shug'ullanadigan kitoblari bo'lishi mumkin. Ortib qolgan pul suv qo'yiladigan kulerlarga sarflanadi. Yil oxirida ota-onalar qo'mitasi ortib qolgan pullarni yo qaytarib beradi yoki keyingi yilga o'tkazadi.

FRANSIYA

Fransiyada O'qituvchi va murabbiylar kuni 5-oktabrda nishonlanadi. Bu kunda qandaydir sovg'a berish odati yo'q. Maktabning istagi bilan konsert o'tkazilishi, so'ngra o'qituvchilar va o'quvchilar uchun norasmiy muloqot qilish maqsadida shirinliklar stoli tashkil etilishi mumkin. Shirinliklarni ota-onalar olib keladilar.

ARGENTINA

Argentinada 11-sentabr O'qituvchi va murabbiylar kuni ekanligi bilan bir qatorda, prezident Domingo Faustino Sarmentoning vafoti munosabati bilan xotira kuni hamdir. Ushbu prezident o'z sa'y-harakatlari bilan ta'lim sohasida amalga oshirgan ulkan islohotlari tufayli aholi orasida hurmatga sazovor bo'lgan. Shuningdek, u qishloqlarda boshlang'ich ta'limni majburiy qilib, aholining barcha qatlamlari uchun ta'lim olish imkoniyatini rivojlantirgan.

BOLGARIYA

Bu mamlakatda O'qituvchi va murabbiylar kuni bayrami yo'q. Hech kim hech kimni tabriklamaydi. Bolalar tug'ilgan kunda bir-birini rasmlar va yaxshi tilaklar

GERMANIYA

Germaniyada O'qituvchi va murabbiylar kuni 5-oktabrda

POLSHA

Polshada O'qituvchi va murabbiylar kuni 14-oktabrda nishonlanadi. Bu kun o'qituvchilarga gullar sovg'a qilish, shuningdek, qo'shimchasiga shokoladli konfetlar berish odat bo'lgan. Biroq gullar va shirinlik har bir o'quvchidan emas, butun sinf nomidan taqdim etiladi. Bundan qimmatroq sovg'alar berilmaydi. Qizig'i, o'quvchilar faqat o'z sinf rahbarlarini tabriklaydilar. Direktor, uning o'rinbosarlari, boshqa fan o'qituvchilari, shuningdek, maktab xodimlarini tabriklamaydilar.

Germaniyadagi bolalar bog'chalarida esa yil yakunida tarbiyachilarga sovg'a uchun pul yig'iladi. Biroq odatda bu summa 5-7 yevrodan oshmaydi. Sovg'a qandaydir to'plam va ma'lum do'konga sovg'a kartasi bo'lishi mumkin.

